

Максим Горький

ТУБАНЛИКДА

*Константин Петрович Пятницкийга
бағишлайман.*

М. Горький

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Михаил Иванов Костилов, 54 ёшда, туновхона эгаси.
Василиса Карповна, унинг хотини, 26 ёшда.
Наташа, хотинининг синглиси, 20 ёшда
Медведев, тоғалари полицейский, 50 ёшда.
Васька Пепел, 28 ёшда.
Клешч, Андрей Митрич, слесарь, 40 ёшда.
Анна, унинг хотини, 30 ёшда.
Настя, қиз, 24 ёшда.
Квашня, чучварафуруш, 40 ёшларда.
Бубнов, шапкадўз, 45 ёшда.
Барон, 33 ёшда.
Сатин } икковининг ёши бирдай: 40 ларга борган.
Актёр }
Лука, дарвиш, 60 ёшда.
Алёшка, эгикдўз, 20 ёшда.
Кривой Зоб } Ҳоммоллар
Татарин }

Яна беном, безабон бир неча саёқ одамлар.

БИРИНЧИ ПАРДА

Форга ўхшаган ертўла. Шипи қалин, устунлари тошдан, шип тутундан қоп-қорайиб кетган, шувоқлари кўчиб гушган. Томрабинлар ўтирган жойдан ва пастдан юқорига, ўнг томондаги тўрт бурчак ойнадан ёруғ тушиб туради. Ўнг томондаги бурчакда юпқа тахта девор билан ўралган Пепелнинг уйи. Шу уйга кираверишда Буновнинг сўриси Чап бурчакда — катта рус печкаси; чап томондаги ғишт деворда ошхонага кириладиган эшик, бунда Квашня, Барон, Настя туришади. Печка билан девор ёнидаги эшик ўртасида кенг каравот турибди, устига ифлос чит чойшаб ёйилган. Деворнинг ҳамма ёғида сўри бор. Саҳнанинг олди томонида, чап томондаги девор ёнида тўнка, тискилар, тўнкага ўрнаштирилган кичик сандон, яна ундан пастроқ бир тўнка турибди. Шу кичик тўнка ёнида, сандон олдида Клешич эски қулфларга калит солиб кўряпти. Оёғи тағида икки тизим ҳар хил калит ётибди, калитлар симдан ясалган ҳалқага тизиб қўйилган, пачоқ-пачоқ самовар, болға, эговлар ётибди. Туновхонанинг ўртасига катта стол, икки скамья, табуретлар қўйилган, ҳаммаси бўялмаган, ифлос. Столда, самовар олдида Квашня ўтирибди. Барон қора нон чайнамоқда. Настя сўрида ўтирган жойида столга энгашиб, йиртилиб кетган китобни ўқимоқда. Устига чойшап ёпилган каравотда Анна йўталиб ётибди. Бунов сўрида ўтириб, шапқа қолипни тиззаси орасига қисиб олиб, чокидан сўкилиб йиртилган эски шимларни, қандай қилиб бичсам экан, деб мўлжаллаб кўряпти Унинг ёнида шапка козирёғи учун ишлатиладиган картон шляпа қутиси, бўлак-бўлак клеёнка, латта-путталар ётибди Сатин яқинда уйғониб, нималарнидир алжираб ётибди. Печкада Актёрнинг ўзи кўринмайди-ю, нималардир қилиб йўталиб-йўталиб қўяди.

Илк баҳор. Тонг пайти.

Барон. Хўш!

Квашня. Бекоргинани айтибсан, азизим, дедим, бу гапингни қўй, дедим. Бундақасни, дедим, бир татиб кўрганман... энди юзта қисқичбақа қовуриб берсанг ҳам — эрга тегмаганим бўлсин, дедим!

Бубнов (*Сатинга*). Нима бало, чўчқадай хуррак тортиб қолдинг!

С а т и н тўнғиллаб қўяди.

К в а ш н я. Мен,— дедим,— ўз ихтиёрим ўзимда, дедим, ўзимни бирон кишининг паспортига ёздирарканманми, ўзимни бировга чўри қилиб берарканманми — бе! Америкалик шаҳзода бўлганда ҳам унга эрга чиқишни ўйламайман.

К л е ш ч. Бекор айтибсан!

К в а ш н я. Нима-а?

К л е ш ч. Ёлғон гап! Абрамжонга жон деб тегасан..

Б а р о н (*Настянинг қўлидан китобни тортиб олиб, номини ўқийди*). «Машъум муҳаббат».. (*Хохолаб кулади.*)

Н а с т я (*қўлини чўзиб*). Бер... Берсанг-чи! Қўй дейман... жинни бўлма!

Б а р о н қўлидаги китобни тепага кўтариб тегажовлик қилиб Н а с т я га қарайди.

К в а ш н я (*Клешчага*). Сариф эчки қурғур! Яна ўша— ёлғон гап дейди-я! Менга бундай гап айтишга нима ҳаққинг бор!

Б а р о н (*китоб билан Настянинг бошига уриб*). Настька, аҳмоқсан...

Н а с т я (*китобни тортиб олмоқчи бўлиб*). Берсанг-чи...

К л е ш ч. Сен бойвуччани қара-ю... Абрамжонга жон деб тегасан... Ўзинг ҳам шуни кутиб юрибсан...

К в а ш н я. Албатта! Бўлмасам-чи... Ўзинг хотинингни чала ўлик қилиб тайёрлаб қўйдинг-ку...

К л е ш ч. Овозингни ўчир, қари қанжиқ! Сенга нима...

К в а ш н я. Ҳа-а! Рост гап ёқмайди-да!

Б а р о н. Яна бошланди! Настька — қаердасан?

Н а с т я (*бошини чиқармай*). Ҳа?.. Йўқол!

А н н а (*бошини чойшап остидан чиқариб*). Кун туғди! Худо хайр берсин... бақирманглар... сўкишманглар!

К л е ш ч. Ингров!

А н н а. Худонинг берган куни... Бемалол жон беришга қўйсаларинг-чи!

Б у б н о в. Шовқин — ажал йўлини тўсмайди...

К в а ш н я (*Аннанинг ёнига бориб*). Сан, шўрлик хотин, дейман, бу золим билан қандай умр қилувдинг?

Анна. Қўявер... ишинг бўлмасин...

Квашня. Хўб-хўб! Шўринг қурғур... онаси сабрга туққан экан! Нима, кўкрагинг бўшашмаяптими, дейман?

Барон. Квашня! Бозор қолиб кетди-ку...

Квашня. Кетамиз, ҳозир! (Аннага.) Иссиққина чучвара берайми, ейсанми?

Анна. Керак эмас... раҳмат! Овқатнинг нима кераги бор менга?

Квашня. Есанг бўларди. Иссиққина — кўкрагингни юмшатади. Косага солиб олиб қўяман... кўнглинг тортса ерсан! Юр, барин... (Клешчага.) Ху, алвастига ўхшамай ўл... (Ошхонага кириб кетади.)

Анна (йўталиб). Э, худо...

Барон (Настяни секин елкасига туртиб). Қўйсангчи... аҳмоқ қиз!

Настя (пинғирлаб). Йўқол... сенга зиёним тегяптими?

Барон ҳуштак чалиб Квашнянинг кетидан чиқиб кетади.

Сатин (сўрида ўрнидан туриб). Кеча мани ким урди?

Бубнов. Санга барибир эмасми?..

Сатин. Хўб, буниси майли... Нега уришди?

Бубнов. Қарта ўйнаганмидинг?

Сатин. Уйновдим...

Бубнов. Шунга уришди...

Сатин. Аблахлар...

Актёр (печдан бошини чиқариб). Бир кун эмас, бир кун ура-ура... ўлдириб қўйишади...

Сатин. Сен — аҳмоқсан.

Актёр. Нега?

Сатин. Чунки икки марта ўлдириб бўлмайди.

Актёр (бир оз жим туриб). Тушунмаяпман... нега бўлмас экан?

Клешча. Ундан кўра, печдан тушиб, уйни супуриб чиқсанг-чи, нимага эркаланиб қолдинг?

Актёр. Бу сенинг ишинг эмас...

Клешча. Василса келсин — кимнинг ишилигини кўрсатиб қўяди...

Актёр. Жин урсин Василсангни! Бугун супуриш Бароннинг гали... Барон!

Барон (ошхонадан чиқиб келиб). Уй йиғиштиришга вақтим йўқ... Мен Квашня билан бозорга кетяпман.

Актёр. Бу билан ишим йўқ, менга деса каторгага кетмайсанми... супуриш сани галинг... бошқалар учун ишлаб бўпман...

Барон. Бўлмаса, жин урсин сени! Настенка супуриб қўяди... Эй, маъшум муҳаббат! Оч кўзингни (*Настядан китобини тортиб олади.*)

Настя (*ўрнидан туриб*). Нима дейсан? Бу ёққа бер! Шўхлигини қара буни! Яна баринмиш...

Барон (*китобни бериб*). Настя! Ман учун супуриб қўйгин, хўбми?

Настя (*ошхонага кириб бораркан*). Жуда зарур келибди-да... кўзим учиб турувди!

Квашня (*ошхона эшигида туриб Баронга*). Сен кетаверсангчи! Сансиз ҳам супуриб олишади... Актёр! Сандан сўрашяпти,— сан супуриб қўя қол... белинг си-ниб қолмас!

Актёр. Қачон бўлса ман... тушунмай ҳам қолдим...

Барон (*ошхонадан обкашда корзиналарни кўтариб олиб чиқади. Уларда устига латта ёпилган қўшқулоқлар*). Бугун мунча зилдак...

Сатин. Ўзинг ҳам барон бўлиб туғилиб нима қилардинг...

Квашня (*Актёрга*). Манга қара, супуриб қўй! (*Баронга йўл бериб, ўзи ҳам даҳлизга чиқади.*)

Актёр (*печдан тушиб*). Чангда нафас олиш манга зарар қилади. (*Мақтанчоқлик қилиб.*) Организмим алко-голь билан заҳарланган... (*Сўрида ўтириб хаёлга кетади.*)

Сатин. Организм... органон...

Анна. Андрей Митрич...

Клешч. Яна нима?

Анна. Ану ерга Квашня менга деб чучвара қолдириб кетди... олиб, егин.

Клешч (*унинг ёнига келиб*). Сан-чи, емайсанми?

Анна. Егим йўқ... Манга овқатнинг нима кераги бор? Сан ишлайсан... санга — керак...

Клешч. Қўрқяпсанми? Қўрқма... балки яна...

Анна. Бор, олиб е! Оғир тортиб кетяпман... яқин қолганга ўхшайди...

Клешч (*кета туриб*). Ҳеч гапмас... балки туриб кетарсан... ажаб эмас! (*Ошхонага кириб кетади.*)

Актёр. (*худди чўчиб уйғонгандай, қаттиқ*). Кеча

шифохонада доктор менга, организмгинизни алкоголь билан заҳарлаб олибсиз. . . деди.

С а т и н (*илжайиб*). Органон. . .

А к т ё р (*зарда қилиб*). Органон эмас, ор-га-ни-зм. . .

С а т и н. Сикамбр. . .

А к т ё р (*унга қўл силтаб*). Э, қўйсанг-чи! Мен — ростдан айтяпман. . . ҳа, организмки заҳарланган бўлса. . . бас,— уй супуришим. . . чанг ютишим кони зарар-да. . .

С а т и н. Макробиотикани. . . кўр-у!

Б у б н о в. Нималар деб вайсаяпсан?

С а т и н. Шу ҳам гап бўлди-ю. . . яна транс-сценденталь деганлари ҳам бор. . .

Б у б н о в. Бу нимаси бўлди?

С а т и н. Билмайман. . . эсимда қомабди. . .

Б у б н о в. Билмасанг, нега гапирасан?

С а т и н. Ўзим. . . Билсанг, оғайни, бу одамларнинг ҳамма гапи, ҳамма гапларимиз жонимга тегди! Ҳар бирини. . . минг мартадан эшитгандурман. . .

А к т ё р. «Гамлет» деган драмада: «Гап, гап, яна гап!» деган жойи бор. Жуда яхши асар. . . мен унда гўрковни ўйнардим. . .

К л е ш ч (*ошхонадан чиқиб*). Сан супурги билан қачон ўйнайсан?

А к т ё р. Нима ишинг бор. . . (*Кўкрагига қўли билан уриб*.) «Офелия! О. . . тоат-ибодатингда мени унутма! . . .»

Саҳна орқасидан, қаердандир узоқдан шов-шув, қичқириқлар, полицейскийнинг ҳуштак овозлари эшитилади. К л е ш ч ишига ўтиради, эгов овози эшитилади.

С а т и н. Камдан-кам учрайдиган, тушуниб бўлмайдиган сўзларни яхши кўраман. . . Болалигимда. . . телеграфда хизмат қилардим. . . кўп китоб ўқиганман. . .

Б у б н о в. Сан ҳали телеграфист ҳам бўлганман, дегин.

С а т и н. Бўлганман. . . (*илжайиб*). Жуда кўп яхши китоблар бор. . . жуда ажойиб сўзлар бор. . . Ўзим ўқишшли одам эдим. . . биласанми?

Б у б н о в. Эшитганман. . . юз марта! Бўган бўсанг, нима қипти. . . шу ҳам мартаба бўпти-ю! . . мандан сўрасанг, мўйнадўз эдим, соҳибкор эдим. . . Қўлим доим сап-сариқ бўлиб юрарди — бу ёқдан: мўйна бўярдим,—қўлим, оғайни, билагимгача сап-сариқ эди! То ўлгунимча

сариги кетмасов деб юрардим, қўлим сариғлигича ўлиб кетарман деб ўйлардим... Мана энди, қўлларимга қара... шунчаки ифлос бўлган... ҳа!

С а т и н. Хўш, нима бўпти?

Б у б н о в. Бўгани шу...

С а т и н. Нега бундоғ деяпсан?

Б у б н о в. Шунчаки... хаёл суриб... Шундақа экан, сиртингдан ўзингни ҳар қанча бўясанг ҳам, ҳаммаси кетаркан... ҳаммаси ўчиб кетаркан-да!

С а т и н. Мани... суякларим оғриб кетяпти!

А к т ё р (*тиззасини қўли билан қучоқлаб ўтиради*). Маълумотинг уч пул, ҳамма гап—талантда. Бир артистни билардим... ролни ҳижжалаб ўқирди-ю, лекин қаҳрамон ролини шундай қотириб ўйнардик... томошабинларнинг ҳайқириғидан театр ларзага келиб кетарди...

С а т и н. Бубнов, бир мири бергин!

Б у б н о в. Бор-йўғи пулим бир пақир...

А к т ё р. Мен айтаман, қаҳрамонга энг кераги талант, дейман. Талант деганинг — ўзингга ишон, кучингга ишон дегани...

С а т и н. Бир мири бергин, талантингга ҳам, қаҳрамон, тимсоҳ, хусусий адвокатлигингга ҳам ишонаман... Клешч, бир мири бер!

К л е ш ч. Тур, йўқол! Энди бир камим сан эдинг...

С а т и н. Нега зарда қиласан? Ўзим ҳам биламан, ёнингда сариқ чақанг ҳам йўқ...

А н н а. Андрей Митрич... нафасим бўғилиб кетяпти... қийналяпман...

К л е ш ч. Қўлимдан нима келарди?

Б у б н о в. Даҳлиз эшигини очвор...

К л е ш ч. Хўб! Сан сўрида ўтирибсан, ман ерда ўтирибман... жойингни манга бўшатиб бергин-да, оча қол!... ўзим ҳам шомоллаб қолганман...

Б у б н о в (*босиқ овоз билан*). Манга керакмас... хотининг сўраяпти...

К л е ш ч (*қовоғини солиб*). Ҳар ким ҳар нима сўраса қилаверадими...

С а т и н. Бошим ғувиллаб кетяпти... уҳ! Одамлар бир-бирини бошига ургани нимаси-я?

Б у б н о в. Фақат бошга дейсанми, тўғри келган жойингга тушуришади. (*Туради*.) Бориб ип олиб келай... Бугун хўжайинларимиздан дарак йўғ-а... Нима бало, ўлиб қолишдими дейман. (*Чиқиб кетади*.)

Анна йўталади. Сатин, қўлини боши остига қўйиб, қимир этмай ётади.

Актёр (*ғамгинлик билан теварак-атрофга қараб, Аннанинг ёнига келади*). Нима? Мазанг йўқми?

Анна. Нафасим қисияпти.

Актёр. Даҳлизга олиб чиқиб қўяйми? Ке, тура қол. (*Аннани ушлаб ўрнидан турғизади, унинг елкасига қандайдир эски бир нарсани ташлайди, қўлтигидан суяб даҳлизга олиб чиқади.*) И-е, и-е... тут, ўзингни! мен ҳам бетобман... алкоголь билан заҳарланганман...

Костилев (*эшикдан туриб*). Сайри ҳавогами? Икковинг шундоғ ярашибсанки, бамисоли қўй билан тўқлидай...

Актёр. Йўлдан қочсанг-чи... бетоблар келяпти, кўрмаяпсанми?

Костилев. Мана, мана, ўтсинлар... (*Ғўнғиллаб, қандайдир диний бир куйни куйлаб, шубҳа билан туновхонани кўздан кечиради ва Пепелнинг уйидаги қандайдир овозга қулоқ солгандай, бошини чапга эгиб туради. Клешич калитларни шарақлатиб, эговлайди, ер остидан хўжайинга кўз қирини ташлаб қўяди.*) Ғижиллатиб ётибсанми?

Клешч. Нима?

Костилев. Ғижиллатяпсанми, дейман? (*Пауза.*) Ҳм... нимани ҳам... сўрамоқчи эдим? (*Тез, секин.*) Хотиним келгани йўқми?

Клешч. Кўрмадим...

Костилев (*секин-секин Пепелнинг ҳужраси томон юриб бориб*). Ойига икки сўмга қанча жойни банд қилиб ётибсан! Каравот... ўзинг ҳам ўтирасан... ҳм! Худо ҳақи, беш сўмлик жойни олиб ўтирибсан! Яна ярим сўм қўшсам ҳам бўлар...

Клешч. Бўйнимга сиртмоқ солиб, бўғиб қўя қол... Улишингга сал қолгану, нуқул ярим сўмни ўйлайсан...

Костилев. Сани бўғиб нима қиламан? Бундан кимга фойда? Худо хайрингни берсин, ялло қилиб, яшайвер... лекин санга яна ярим сўм қўшаман,— шам чироқ оламан... бут ёнига ёқиб қўяман, назир қилиб... Гуноҳларимга назир қиламан, санинг ҳам назиринг бўлади. Ахир, сан ўзинг қилган гуноҳларингни ўйламаяпсан-ку... ана... Эҳ, Андрюшка, баджаҳл одамсан-да, ўзинг! Ёмонлигингдан хотининг ҳам қуриб тамом бўлди... сани ҳеч ким яхши кўрмайди... ҳурмат қилмайди, ғичир-ғичир қи-

лишдан бошқани билмайсан, ҳамманинг жонига тега-
сан...

К л е ш ч (*бақириб*). Сан нима... жонимдан тўйдир-
гани келдингми?

С а т и н қаттиқ бўкиради.

К о с т и л е в (*сесканиб*). Э, бу нима қилганинг...

А к т ё р (*кириб келиб*). Бу хотинни даҳлизга ўтирғи-
зиб, ўраб қўйдим.

К о с т и л е в. Жуда меҳрибон одамсан-да, ўзинг! Бу
ишинг дуруст... қилган яхшиликларинг ўзингга қайта-
ди...

А к т ё р. Қачон?

К о с т и л е в. Оғайни, нариги дунёда... у дунёда ҳам-
ма, ҳар бир яхшилигимизни ҳисобга олишади...

А к т ё р. Қилган яхшилигимни сен ҳозир қаётара қол-
санг-чи...

К о с т и л е в. Ман қандай қайтараман?

А к т ё р. Қарзимнинг ярмини кечворақол...

К о с т и л е в. Э-ҳе! Сан нуқул ҳазил қилганинг қил-
ган, оғайни, нуқул ишинг майнавозчилик... Кишининг
юрагидаги яхшилигини пулга тенглаштириб бўладими?
Яхшилик — ҳамма нозу неъматлардан аъло юради. Ман-
дан олган қарзинг — бўйнингда қарз бўлиб тураверади!
Маъниси — қарзингни манга тўлашинг керак дегани бў-
лади... Ман қарига бепул яхшилик қилишинг керак...

А к т ё р. Доғулсан, чол... (*Ошхонага кириб кетади.*)

К л е ш ч ўрнидан туриб даҳлизга чиқиб кетади.

К о с т и л е в (*Сатинга*). Ғичир-ғичирни қара-я? Қо-
чиб қолди-ку, ҳа-ҳа! Мани ёмон кўради...

С а т и н. Сани — иблисдан бошқа, ким ҳам яхши кў-
рарди...

К о с т и л е в (*кулимсираб*). Сан ҳақоратвойни қа-
ра-ю! Ман ҳаммангизни ҳам яхши кўраман... биламан,
сизлар бахти қора таъвия, нотавон оғайниларимсиз...
(*Бирдан шошиб.*) А... Васька — уйдами?

С а т и н. Ўзинг қара.

К о с т и л е в (*эшик ёнига келиб, қоқади*). Вася!

А к т ё р ошхона эшигидан кириб келади. Оғзида ниманидир чай-
найди.

П е п е л. Ким бу?

К о с т и л е в. Бу ман... ман, Вася.

Пепел. Нима дейсан?
Костилев (*берироқ туриб*). Оч эшикни.
Сатин (*Костилевга қармай*). Эшикни очса-ю, хотини ўша ерда бўлса-я...

А к т ё р п н қ этиб кулади.

Костилев (*бесаранжом бўлиб, секин*). А? Ким у?
Сан нима дединг?

Сатин. Нима? Сан манга гапирдингми?

Костилев. Сан нима дединг?

Сатин. Шунчаки... ўзим...

Костилев. Билиб қўй, ука! Ҳазил қилу, ўрнини билиб қил... ҳа! (*Эшикни қаттиқ қоқади*.) Василий!...

Пепел (*эшикни очиб*). Ҳа, нима? Нега безовта қиласан?

Костилев (*уйнинг ичкарисига қараб*). Ман... ҳалиги — сан...

Пепел. Пул олиб келдингми?

Костилев. Ишим бор санда...

Пепел. Пул олиб келдингми?

Костилев. Қанақа пул? Шошма...

Пепел. Пулдақа пул, етти сўм, соатга-чи — қани?

Костилев. Қанақа соат, Вася?.. Э, сани қара-ю...

Пепел. Ҳали, шошмай твр сан! Кеча гувоҳлар олдида санга ўн сўмга соат сотдим... уч сўмини олдим... етти сўми қолган — чўзиб қўй! Нега кўзингни бақрайтирасан? Дайдиб, одамларни безовта қилишни биледи-ю... ўз ишини билмайди.

Костилев. Ш-ш! Жаҳлинг чиқмасин, Вася... Соатинг...

Сатин. Ўғирлик...

Костилев (*жаҳл билан*). Ман ўғирлик мол олмайман... бу нима деганинг...

Пепел (*уни елкасидан ушлаб*). Нега келиб мени безовта қиласан? Нима дейсан манга!

Костилев. Ҳеч нима... агар шундақа қилсанг... кета қолай бўлмаса...

Пепел. Бор, пулимни олиб кел!

Костилев (*кетади*). Бир қўпол одамсанларки! Ҳай-ҳай...

А к т ё р. Ана томоша!

Сатин. Жуда соз! Кўнглимдагидай...

Пепел. Ўзи нима қилиб юрибди?

С а т и н (*кулиб*). Билмайсанми? Хотинини излаб юрибди... Василлий, дейман, ўзини нега бир бошлаб қўймайсан?!

П е п е л. Шу аблахни деб яна бир балога йўлиқайми...

С а т и н. Сан ақл ишлатиб бошлагин-да. Кейин Василисага уйланиб ол... бизга хўжайин бўласан...

П е п е л. Шу ҳам иш бўлди-ю! Сизлар рўзгоримни эмас, кўнглим бўшлигидан фойдаланиб, ўзимни ҳам қовоқхонага гаров қўясизлар... (*Сўрига ўтиради*.) Шумчол... уйғотиб қўйди... Ўзим яхши туш кўрган эканман: балиқ тутятган эканман, — каттакоп леш балиқ илинибди! Шундай балиқки, бундай балиқни фақат тушингда кўрасан... Балиқни қармоғим билан тортиб турган эмишману, қармоғим узилиб кетмасайди, деб қўрқармишман! Сачокни ҳам тайёрлабману... мана ҳозир... деб ўйлаб турганимда...

С а т и н. Бу балиқ эмас, Василиса экан...

А к т ё р. Василисани қармоққа илинтиргани аллақачон...

П е п е л (*жаҳл билан*). Тур, йўқолларинг-э, Василисанг ҳам ўзларингга!?

К л е ш ч (*даҳлиздан кириб келади*). Эшак ўлдирар... совуқ...

А к т ё р. Нега Аннани олиб кирмадинг? Музлаб қолади-ку...

К л е ш ч. Уни Наташка ошхонага ёнига олиб кириб кетди...

А к т ё р. Чол ҳайлаб чиқаради...

К л е ш ч (*ишламоқчи бўлиб ўтириб*). Ҳа... Наташка олиб келар...

С а т и н. Василий! Бир мири бергин...

А к т ё р (*Сатинга*). Ҳу сан... бир мири! Вася! Бизга бир танга бергин...

П е п е л. Тезроқ бермасам... ҳали замон бир сўм деб қоласанлар... ма!

С а т и н. Гиблартарр! Дунёда ўғрилардан ўтар тантисн бўлмайди!

К л е ш ч (*қовоғини солиб*). Уларга пул топиш осон. Улар ишламаса...

С а т и н. Осон пул топадиганлар кўп, лекин пулдан осонлик билан кечадиганлар кўп эмас. Иш дейсанми? Сан шундай қилгинки, ман ишга кўнгил қўйай, эҳтимол ишларман ҳам... ҳа! Эҳтимол! Меҳнатингдан ҳузур қил-

санг, турмушинг ҳам яхши бўлади! Бўйнингдан ип боғлаб ишлатишса-чи, бу турмуш нима-ю, чўрилик нима (Актёрга.) Хой, сан Сарданапал! Юр, кетдик...

А к т ё р. Қани, юр, Навухудоноссор! Шундай ичайки... қирқ минг пиянистанг ҳам бир бўлсину, ман ҳам бир бўлай...

Чиқиб кетишади.

Пепел (*эснаб*). Хой, хотининг қалай?
Клешч. Яқин қолди шекилли...

Пауза.

Пепел. Қараб турсам,— бекорга гижиллатяпсанми, дейман.

Клешч. Бўлмаса, нима ҳам қилардим?

Пепел. Ҳеч нима қилма...

Клешч. Бўмаса, нима ейман?

Пепел. Одамлар яшашяпти-ку...

Клешч. Буларми? Шулар ҳам одамми? Увада-ку булар! Саёқлар-ку... шулар ҳам одамми! Ман — ишчи одамман... улардан ибрат олиш манга уят... болалигимдан ишлаб келаман... Мани сан бу ердан чиқиб кетолмайди деб ўйлайсанми? Қутулиб кетаман... Терим шилинса шилинади-ки, лекин чиқиб кетаман... Шошмай тур... хотиним ўлсин... Ўзим бу ерда ярим йил турдим-у лекин нақ олти йил тургандайман...

Пепел. Бу ердагилардан ҳеч бирининг сандан кам ери йўқ... бекорга бундай деяпсан...

Клешч. Қам ери йўқ! На ор ва на номусни билишади...

Пепел (*бамайлихотир*). Ор-номуснинг кимга кераги бор? Ор-номусингни... оёғингга этик қилиб киёлмайсан... Қўлида ҳукумат, кучи борларга керак ор-номусинг...

Бубнов (*кириб келади*). Ҳу-у... тозаям совуққотдим!

Пепел. Бубнов! Санда ор деган нарса борми?

Бубнов. Нима-а? Ор дейсанми?

Пепел. Ҳа!

Бубнов. Номусингни нима қиламан? Ман боймидимки...

Пепел. Ман ҳам шундай деяпман: Ор-номус бой одамларга керак, ҳа! Клешч бўлса бизани сўкиб, бизада номус деган нарса йўқ дейди...

Бубнов. У нима — қарз олмоқчи эканми?

Пепел. Узида ҳам ачиб ётибди...

Бубнов. Бўлмаса, сотар эканда? Бу ерда харилор тополмайди. Синиқ картонларни жон деб сотиб олардим... Ушанда ҳам насяга бўлса...

Пепел (*насихатомуз*). Аҳмоқсан, Андрюша! Сан, номус тўғрисида, Сатиннинг гапини эшитсанг бўларди, сан бўлсанг Бароннинг гапига қулоқ солиб юрибсан...

Клешч. Улар билан гапиришадиган гапим йўқ...

Пепел. Улар... пияниста бўлса ҳам, ақли саникидан расороқ...

Бубнов. Кимки маст бўлса-ю, ақли расо бўлса — унинг икки ҳикмати бор...

Пепел. Сатин айтадики, ҳар ким ҳам, қўшним инсофлик бўлсин дейди, кўрдингми, инсофлик бўлишнинг ҳеч кимга ҳам нафи йўқ... Бу ҳам — тўғри...

Наташа кириб келади. Кетидан қўлида ҳасса, орқасида халта, белида котелок ва чойнак билан Лука кириб келади.

Лука. Омонмисилар, ҳалол халойиқ!

Пепел (*мўйловини силаб*). Э-э, Наташа!

Бубнов (*Лукага*). Ҳалол бўлганмизу, аммо ўзоғ йил баҳорда...

Наташа. Мана — янги меҳмон...

Лука. Манга барибир! Ман муттаҳам ўғриларни ҳам иззат-ҳурмат қиламан, менингча, биронта ҳам бурга лойиқмас азобга, ҳаммаси ҳам қоп-қора, ҳаммаси ҳам сакрайди... бўлмаса-чи. Яхши қиз, қаерга чўксам бўлади?

Наташа (*ошхона эшигини кўрсатиб*). Анув ёққа, буважон...

Лука. Раҳмат яхши қиз! У ёққа бўлса, у ёққа-да... Чол одамга қаер иссиқ бўлса, ўша ер ватан бўлаверади...

Пепел. Наташа, дейман, жуда қизиқ чолни топиб кепсизми, дейман...

Наташа. Сиздан қизиқроқ... Андрей! Хотининг бизнинг олдимизда, ошхонада... бир оздан кейин бориб олиб кел.

Клешч. Хўб... бораман...

Наташа. Сан унга, энди мундоғ тузукроқ қарасанг бўларди... ўзи ҳам оз қолган...

Клешч. Биладан...

Н а т а ш а. Биласан... Билиш камлик қилади, сан — тушунгин. Ахир, киши ўлимдан қўрқади...

П е п е л. Мана, ман қўрқмайман...

Н а т а ш а. Бўлмаса-чи!... Ботирсан...

Б у б н о в (*ҳуштак чалиб*). Ипи чириган экан-ку...

П е п е л. Рост, қўрқмайман! Ҳозир десанг, ҳозир ҳам ўлимга тайёрман! Қўлингизга пичоқ олиб, юрагимга уринг, оҳ демай ўламан! Қайтага — хурсанд бўламан, негаким — пок қўлдан...

Н а т а ш а (*кетаётиб*). Сиз, бу гапингизни бошқа бировга айтинг.

Б у б н о в (*чўзиб*). Ипи қурсин, чириган-ку...

Н а т а ш а (*даҳлиз эшиги олдида туриб*). Андрей, хотининг эсингдан чиқиб қолмасин...

К л е ш ч. Хўб...

П е п е л. Дилбар қиз-да!

Б у б н о в. Қизми — чакки эмас...

П е п е л. Нега мен билан... бундай қилади? Нуқул кўкрагимдан итаради... Барибир — бу ерда хароб бўлиб кетади-ку...

Б у б н о в. Санинг касрингга қолади.

П е п е л. Нага — манинг касримга? Унга ичим ачи-япти...

Б у б н о в. Қўйга бўри ачингандай...

П е п е л. Бекор айтибсан! Жуда... юрагим ачийди унга... бу ерда кўрган куни қурсин... кўриб турибман-ку...

К л е ш ч. Шошма, Василиса у билан гаплашганингни бир кўрсин...

Б у б н о в. Василиса дейсанми? Ҳа, қўлидагини бекор-га... бу ерда кўрган куни қурсин... кўриб турибман-ку...

П е п е л (*сўрига ётиб*). Икковингни ҳам шайтон урсин... Пайгамбарлар!

К л е ш ч. Шошма... кўргилигингни кўрарсан!

Л у к а (*ошхонада, хиргойи қилиб*). Тун кечада... кўринмас кўзга йўл — роҳинг...

К л е ш ч (*даҳлизга чиқаётиб*). Буни қара... буниси ҳам ғиринглапти...

П е п е л. Зерикиб кетдим... нега юрагим қисиларкин-а? Нозандак юрасан-юрасан-у, бирданига — худди муз қотгандай бўласан; кўнглинг ғаш бўлиб кетади...

Б у б н о в. Зерикяпман дейсанми? Ҳм-м...

П е п е л. Худо урсин агар!

Лука (*хиргойи қалади*). Оҳ, йўл — роҳинг кўринмас...

Пепел. Ҳой! чол!

Лука (*эшикдан бошини чиқариб*). Манга айтяпсанми?

Пепел. Санга. Қўй ашулангни.

Лука (*чиқиб келиб*). Ёқтирмайсанми?

Пепел. Яхши қилиб айтишса — ёқади...

Лука. Мен ёмон айтар эканман-да?

Пепел. Шундайдир-да...

Лука. Ҳо, сани қара-ю! Яхши айтаман деб ўйлабман. Ўзи ҳамиша шундай бўлади: киши ўзи яхши иш қиляпман деб юради-ю, бир вақт қарасанг — одамларга ёқмай қолибсан...

Пепел (*кулиб*). Ана! Тўғри гапирдинг...

Бубнов. Зеркдим дейсан-у, яна кулганингни қара.

Пепел. Санга нима? Қарға...

Лука. Ким ўзи — зерикиб қолган?

Пепел. Ман...

Барон кириб келади.

Лука. Ҳо, сани қара-ю! Ану ерда, ошхонада бир қиз китоб ўқиб, йиғлаб ўтирибди! Рост айтаман! Кўзидан ёши оқиб кетяпти... Унга ман: жон болам, нима бўлди сенга? — десам. — Ачиниб кетдим — дейди. Кимга ачиндинг — десам. — Мана бу китобда... дейди. Кўрдингми, одам дегани, а? У ҳам, зерикканидан бўлса керак...

Барон. Ўзи — аҳмоқ қиз...

Пепел. Барон! Чой ичдингми?

Барон. Ичдим... хўш!

Пепел. Ярим бутилка очайми, хўб дейсанми?

Барон. Бўлмаса-чи... хўш!

Пепел. Тўрт оёглаб турсанг, кучук бўлиб вовилласанг!

Барон. Аҳмоқ! Нима — савдогармисан? Ё — мастмисан?

Пепел. Қани, ит бўгин! Кўнглим очилади... Сан баринсан... Бир замонлар сан бизни одам ўрнида кўрмасдинг... яна нима балолар қилардинг.

Барон. Яна, хўш!

Пепел. Нима бўларди? Энди сани ман кучук қилиб вовиллатяпман — вовиллайсан ҳам... лаббай?

Барон. Вовилласам нима! Нодон! Сандан ҳам беш бадтар бўлиб қолганимни ўзим ҳам билганимдан кейин, бундан сан нима лаззат олардинг? Санга тенг бўлмаган вақтларимда мани ит қилиб кўргин эди, қойил қолардим...

Бубнов. Тўғри!

Лука. Ман ҳам — ўринли гап! — дейман...

Бубнов. Бўлган иш бўлди, фақат таъвиялар қолди... Бунда жаноблар йўқ... ҳаммаси айниб кетди... қип-яланғоч одам боласи қолди...

Лука. Ҳамма, баравар, дегин... Сан, чироғим, баронмидинг?

Барон. Буниси яна ким бўлди? Кимсан ўзинг, кикимора?

Лука (*кулиб*). Графни кўрганман, князини ҳам кўрганман... лекин баронни биринчи кўришим, барон бўлганда ҳам айнигани экан...

Пепел (*хохолаб кулади*). Барон! Мени уятга қўйдинг-ку...

Барон. Василий, энди сал ақл кирса ҳам бўларди...

Лука. Эҳ-ҳа! Сизларга қараб турсам, оғайнилар, — тирикчиликларинг — вой... экан-ку!

Бубнов. Шунақа тирикчилик-ки, эртаю саҳардан увлаш бошланади...

Барон. Яхшироқ кунларни ҳам кўрганмиз... ҳа! Баъзида эрталаб уйқудан уйғониб... ўрнимда ётиб кофе ичардим... кофе! қаймоқ билан... ҳа!

Лука. Ҳаммаси ҳам — одам боласи! Қандай муғом-бирлик қилсанг ҳам, думингни ликиллатсанг ҳам, одам боласи бўлиб туғилиб, одам боласи бўлиб ўласан... Қараб турсам, одамлар тобора ақлли бўлиб, тобора ажойиб бўляпти... тобора ёмон кунга қолишаётган бўлса ҳам, тобора яхшиликка интилишади... одам боласи ўжар!

Барон. Сан чол, кимсан ўзинг?.. Қаёқдан келиб қолдинг?

Лука. Ман-ми?

Барон. Дарвишмисан?

Лука. Бу дунёда ҳаммамиз ҳам дарвишмиз... Айтишадик, — эшитганман-да, — осмони фалакда бизнинг бу дунёмиз ҳам дарвиш эмиш.

Барон (*жиддий кулиб*). Буку шундай ўзи, паспортинг борми?

Лука (*бир оз туриб*). Сан ўзинг кимсан, — жосус-мисан?

Пепел (*хурсанд бўлиб*). Қотирдинг, чол! Хўш, Баронхон, боладими?

Бубнов. Ҳи-и, барон ҳам таъзирини еди...

Барон (*уялиб кетиб*). Ҳа, дарров, шунчаям! Чол, ҳазиллашдим, холос!.. Билсанг, отахон, ўзимнинг ҳам қоғозим йўқ...

Бубнов. Ёлғон!

Барон. Йўқ... қоғозларим борку-я... лекин ҳаммаси сариқ чақачага ҳам арзимади...

Лука. Ҳамма қоғоз ҳам бир, ҳаммаси ҳам уч пулга арзимади...

Пепел. Барон! Юр, трактирга...

Барон. Биз тайёр! Хайр, чол... доғули чол!

Лука. Азизим, гоҳ ундоқ, гоҳ мундоқ...

Пепел (*даҳлиз эшиги олбидан туриб*). Қани юрмайсанми! (*Чиқиб кетади. Кетидан Барон шошиб чиқади.*)

Лука. Бу одам, ростанам, барон бўлган эканми?

Бубнов. Ким билади дейсан? Баринлиги тўғрику-я... У ҳозир ҳам, туриб-туриб баринлик қилиб қўяди. Одатлари ҳали эсдан чиқмаган кўринади.

Лука. Ўзи-ку, бойлик — худди бамисоли чечак... одам соғайиб кетгандан кейин ҳам, изи қолади...

Бубнов. Ҳар ҳолда ўзи чаккимас... фақат баъзи-баъзида ҳалиги паспортингни суриштиргандай, айниб қолади...

Алёшка (*қўлида гармонь ушлаб, маст ҳолда, ҳуштак чалиб кириб келади.*) Ҳой, аҳли зиндонлар!

Бубнов. Нега бақиряпсан?

Алёшка. Узр сўрадик... кечирсинлар! Мен ўзим одоблик одамман...

Бубнов. Яна ичибсан-да?

Алёшка. Кўнглим тортганча! Ҳозир пристав ёрдамчиси Медякин участкадан ҳайдаб чиқарди, кўчани саситиб юрма... билдингми! дейди. Мен ўзим феъли ёмон одамман... Хўжайиним бўлса мандан койигани койиган... Ўзи хўжайин дегани ким бўпти? Фу-у! Шу ҳам одам бўпти-ю... Ўзи пияниста-да, хўжайиним... Ман ўзим шундақа одамманки... манга ҳеч нарса керакмас! Ҳеч нарса керакмас,— вассалом! Ҳа, хоҳласанг, мани бир сўм йигирмага сотиб олавер! Манга ҳеч нарсанг керак эмас! (*ошхонадан Настя чиқиб келади.*) Миллион берсанг ҳам — керакмас! Ўзим туппа-тузук одам бўлганимдан кейин, шеригим... пияниста манга ҳукмини ўтказадими,— керакмас!

Кераги йўқ!

Настя эшик олдида туриб, Алёшкага қараб бошини чайқаб қўяди.

Лука (*ачиниб*). Ёнгитча, дейман, йўлдан озибсан-ку. . .

Бубнов. Одам боласининг нодонлиги. . .

Алёшка (*ерга ётиб*). Ма, еб қўя қол, мани! Манга ҳеч нарса керакмас! Ўзим ҳеч нарсадан тап тортмас одамман! Қани айтингчи, кимдан камман? Нега ман бошқалардан ёмон бўлиб қолдим энди? Мана! Медякин манга: кўчада юрма, тумшугингни ёраман, дейди! Юраман. . . чиқаман-да, кўчанинг ўртасига ётиб оламан, босиб кета қолсин! Манга ҳеч нарса керакмас! . .

Настя. Шўринг қурсин! . . ўзи ҳали ёшгина ю, бу. . . қилиқларини қаранг. . .

Алёшка (*Настяни кўриб қолиб, тиз чўкиб олади*). Оппоқ қиз! Мамзель! Парле франсе. . . прейскурант! Тарала-бедод қилиб юрибман. . .

Настя (*қаттиқ шипшиб*). Василиса!

Василиса (*эшикни шиддат билан очиб, Алёшкага*). Яна келдингми?

Алёшка. Салом. . . марҳамат. . .

Василиса. Сап игваччага, бу ерга қорангни ҳам кўрсатма дегандим у. . . яна келдингми?

Алёшка. Василиса Карповна. . . санга. . . таъзия марши чалиб берайми?

Василиса (*уни елкасидан туртиб*). Йёқол!

Алёшка (*эшик томон судралиб бориб*). Тўхта. . . бу ишинг яхшимас! Таъзия марши. . . яқинда ўрганиб олдим! Янги музика. . . шошма! Бундай қилма!

Василиса. Ман санга кўрсатиб қўяман бундай қилмагнин. . . бутун шу кўчадагиларга талатаман сани. . . сан лаънати. . . ман тўғримда ақиллаб юришга ҳали ёшлик қиласан. . .

Алёшка (*югуриб чиқиб*). Хўб, кетганим бўлсин. . .

Василиса (*Бубновга*). Бу ерга оёқ ҳам босмасин! Эшитдингми?

Бубнов. Ман санга қорсувл эмасман. . .

Василиса. Кимлигинг билан ишим йўқ! Раҳм қилганимиздан бу ерда турибсан — эсингдан чиқарма! Мандан қанча қарзинг бор?

Бубнов (*бамайлихотир*). Санаганим йўқ. . .

Василиса. Билиб қўй — ман санаб қолмай яна!
Алёшка (*эшикни очиб, бақиради*). Василиса Карповна! Ман сандан кўрқмайман... кўрқиб бўпман! (*Бекниб олади.*)

Лука кулади.

Василиса. Сан ким ўзинг?

Лука. Йўловчи... дарвиш...

Василиса. Фақат тунайсанми, ёки шу ерда тура-санми?

Лука. Кўрайчи...

Василиса. Бошпурт!

Лука. Хўб...

Василиса. Қани, бер!

Лука. Ўзим обориб бераман... квартирингга обзириб бераман...

Василиса. Йўловчи... миш! Туновчи десанг ҳам гўрга эди... Ҳартугур тўғрироқ бўларди...

Лука (*хўрсиниб*). Ўзинг ҳам, болам, бсмеҳр хотин экансанки...

Василиса Пепелнинг ҳужра эшиги томонга қараб боради

Алёшка (*ошхонадан мўралаб, шивирлаб*). Кетди-ми? а?

Василиса (*унга йўгирилиб*). Ҳали ҳам шупдамисан?

Алёшка бекиниб ҳуштак чалади. Настя билан Лука кулишади.

Бубнов (*Василисага*). Уйда йўқ...

Василиса. Ким йўқ?

Бубнов. Васька...

Василиса. Ман уни сандан сўраяпманми?

Бубнов. Кўриб турибман... ҳар бир тешикни текшириб юрибсан...

Василиса. Тозами-йўқми деб қараяпман, билдингми? Нега шу маҳалгача уйни супурмадиларинг? Тоза турсин деб неча марта буюрганман?

Бубнов. Супуриш Актёрнинг гали...

Василиса. Кимми гали билан нима ишим бор? Қани, санитарлар келиб, штраф солсин-чи! Ушанда... ҳаммаларингни ҳайдаб чиқараман!

Бубнов (*бамайлихотир*). Унда нима тирикчилик қиласан?

Василиса. Битта ҳам хас-чўп қолмасин. (*Ошхонага қараб юради. Настяга.*) Сенга нима бор бу ерда? Лун-

жинг нимага шишиб қолди? Нима қилиб тўнкадай бўлиб турибсан? Супур, полни! Натальяни... кўрдингми? Келганмиди бу ерга?

Н а с т я. Билмадим... кўрганим йўқ...

В а с и л и с а. Бубнов! Синглим келганмиди?

Б у б н о в. А... мана буни олиб келганди-ю...

В а с и л и с а. Ану... уйдамиди?

Б у б н о в. Василийми? Уйдайти... Шу ерда Клешч билан гаплашиб турганди, Наталья...

В а с и л и с а. Сандан ким билан турганди деб сўра-вотганим йўқ! Ҳамма ёқ ифлос... бижгиб кетибди! Хув... чўчқавойлар! Тоза қилиб қўйинг... эшитдингларми? (*Тез чиқиб кетади.*)

Б у б н о в. Бу хотин ўзи, шафқат деган нарсани билмайди!

Л у к а. Баджаҳл хотинча экан...

Н а с т я. Кўрган кунинг шу бўлгандан кейин, санда шафқат нима қилсин... Ҳар қандай тирик жонни унинг эри сингари махлуқ ёнига боғлаб қўйгин...

Б у б н о в. Сан уни жуда боғлаган деяпсанми...

Л у к а. Ўзи аслида шундай... жиғи-бийрон бўладими?

Б у б н о в. Уззукун... кўрдингми, жазманини йўқлаб келса, йўқ экан...

Л у к а. Э, хафа бўлиб қолипти-да. Охо-хо! Дунёда қанчадан-қанча одам хўжайинлик қилмайди дейсан... бир-бирига қанақа дўқ қилишмайди дейсан, барибир ҳаётда тартиб йўқ, поклик йўқ...

Б у б н о в. Ҳамма тартиб бўлсин дейди-ю, аммо ақл кам. Лекин су...риб қўйиш ҳам керак... Настя!.. Сан супура қолсанг-чи...

Н а с т я. Ҳо, ёқмай қолсин, бўлмасачи! Ман сизларга оқсоч бўлиб қолдим... (*Бир оз жим туриб.*) Бугун бир ичай... шундай ичаманки!

Б у б н о в. Бу ҳам — иш.

Л у к а. Сан, қиз, дейман, нега бундай ичишни хоҳлаб қолдинг? Боя йиғлаб ўтирган эдинг, энди ичаманга тушиб қолдинг!

Н а с т я (*сурбет бўлиб олиб*). Ичаман-да, яна йиғлайман... ичаман дедим, ичаман!

Б у б н о в. Кўп ичма...

Л у к а. Нима ваядан ичасан, айтсангчи? Ахир, бирон сабаби бўлмаса, ҳусн бузар ҳам чиқмайди...

Н а с т я жим қолади, бошини чайқайди.

Лука. Шунақа гаплар... Эхе-хе... жаноб одамлар! Ҳолингиз нима кечади энди?... Бўлмаса, мен ўзим супуриб қўя қолай. Супургийлар қаёғда?

Бубнов. Эшик орқасида, даҳлизда.

Лука даҳлизга чиқиб кетади.

Бубнов. Настенька!

Настя. Нима?

Бубнов. Нега Василиса Алёшкани талади?

Настя. Уни гап қилган экан, Васьканинг жонига теккан, Васька уни ташламоқчи... Наташани олмоқчи деган экан... Ўзим кетаман бу ердан... бошқа квартирага.

Бубнов. Нима! Қаёққа?

Настя. Жонимга ҳам тегиб кетди... Ман ортиқча бўлиб қолдим бу ерда.

Бубнов (*осойишталик билан*). Ҳамма ерда ҳам ортиқчасан, дунёдаги ҳамма кишилар ҳам — ортиқча...

Настя бошини чайқайди. Урнидан туриб секин даҳлизга чиқиб кетади. Медведев, унинг кетидан супурги кўтариб — Лука кириб келади.

Медведев. Ман сани танимагандай бўлиб турибман...

Лука. Бошқа одамларни-чи, ҳаммасини биласанми!

Медведев. Участкамдагиларнинг ҳаммасини билишим керак... сани билолмай турибман...

Лука. Амакижон, чунки бутун ер санинг участканнга сиғмаган-да... бир парчаси ундан ташқарида қолиб кетган... (*Ошхонага кириб кетади.*)

Медведев (*Бубновнинг ёнига келиб*). Тўғри айтади, участкам ҳар қандай катта участкадан ёмон бўлса ҳам, унчалик катта эмас... Ҳозир, навбат алиштиришим олдидан этикдўз Алёшкани частга олиб бориб топшириб келдим... Кўчанинг ўртасига ётиб олиб, гармонь чалиб: ҳеч нима керакмас, ҳеч ниманг билан ишим йўқ, деб бақиряпти-я! От-пот, умуман — қатнов жой... арава босиб кетиши ёки бирон касофат бўлиши мумкин... Жанжалкаш йигит... Ўзини ҳам ҳозир топшириб келдим. Жанжал-тўполонни жуда яхши кўради...

Бубнов. Кечқурун шашка ўйнагани келасанми?

Медведев. Келаман. М-да... ҳалиги... Васькага нима бўлди?

Бубнов. Ҳеч нима бўлгани йўқ... ҳали ҳам ўша...

Медведев. Тирик юрипти... дегин?

Бубнов. Тирик юрмай, нима қиларди? У тирик юрса бўлаверади...

Медведев (*шубҳаланиб*). Бўлаверадими? (*Лука қўлида челак кўтариб даҳлизга чиқиб кетади*). Ҳм... бу ерда... Васькадан гап кетяпти... сан эшитганинг йўқми?

Бубнов. Эшитадиган гапдан кўпи йўқ...

Медведев. Василиса тўғрисида,— билмаганга сол-япсанми?

Бубнов. Нимани!

Медведев. Шундай... ўзим айтяпман... Биларсану, ёлғон айтвотгандурсан? Ҳамма билады-ку... (*жиддий*). Ёлғон гапириш яши эмас, оғайни...

Бубнов. Ёлғон гапириб манга нима?

Медведев. Шундай дегин-да!.. Ҳа, итваччалар-эй! Гап юриптики: Васька Василиса билан... миш... бўлса, манга нима? Ман унга ота эмасман, тоғасиман... Нега маңдан кулишади?.. (*Квашня кириб келади*.) Одамларга ўзи бир бало бўлган... ҳаммадан кулишади... Э-э! Санмисан... келдингми...

Квашня. Азизгинам, гарнизон! Бубнов! Яна бозорда ҳоли-жонимга қўймай, уйланаман сенга дейди...

Бубнов. Тегавер... нима қилибди? Пули бор, ўзи ҳам анча бақувват йигит...

Медведев. Менми? Хо-хо!

Квашня. Ҳу, сан ғўрни худо олсин! Сан мани, бу ярамни ковлама! Азизгинам, бир оғзим куйган... хотин кишининг эр қилиши — қишда ях тагига шўнғиши деган гап: бир сафар шўнғиб кўрувдим,— бутун умр ёдимдан чиқмайдиган бўлди...

Медведев. Шошмай тур... эр деган ҳар хил бўлади.

Квашня. Шундайку-я, лекин ман ҳамиша бир тахлитдаман-да! Эргинам жон берган эди,— ғўрингдаям гинчимагур,— шу билан кун бўйи суюнганимдан ёлғиз ўзим ўтириб чиқибман: ўтирибману, бахтим очилганига ўзим ҳам ишонмайман...

Медведев. Эринг урган бўлса... чакки қилибди, полицияга арз қилишинг керак эди...

Квашня. Худога саккиз йил арзи-қоллик қилдим, ёрдам бермади!

Медведев. Ҳозир хотин уриш ман қилинган... Ҳозир ҳамма ишда қаттиқ қўллик, тартиб, қоида бор! Ҳеч

кимни бекорга уриб бўлмайдн... уришса, тартиб бўлсин деб уришади...

Лука (*Аннани олиб киради*). Ана, етиб ҳам олдик... сани қара-ю! Ўзинг зўрга турибсану, бир ўзинг юрганнинг қизиқ! Жойинг қайси?

Анна (*кўрсатиб*). Раҳмат буважон...

Квашня. Мана, эрлик хотин... қараб қўйинглар!

Лука. Бечоранинг қуруқ суяги қопти-я... Даҳлизда келяпти-ю, деворга суяниб, нуқул инграйдн... Нега ёлғиз ўзини қўйворасизлар?

Квашня. Билмай қолибмиз, кечирасиз, отахон! Бу хонимнинг оқсочлари ўйнагани чиқиб кетган бўлса... керак...

Лука. Сан тагин куласан-а... одам деганни шунақа ташлаб қўядими? Нима бўлса ҳам, ҳамма вақт қадри-қиймати бўлади...

Медведев. Назорат керак! Ўлиб қолса нима бўлади? Оворагарчилик бўлади... Қараб туриш керак!

Лука. Тўғри айтасиз, жаноб ундер...

Медведев. Ҳм... ҳали... ундерлик даражасига етмаган бўлсам ҳам...

Лука. Йўғ-эй? Важоҳатнигиз қаҳрамоннинг ўзи-ку!

Даҳлизда шов-шув, оёқ товуши. Бўғиқ қичқирёқ овозлар эшитилади.

Медведев. Нима, жанжалми дейман?

Бубнов. Шунақага ўхшайди...

Квашня. Чиқиб қарай...

Медведев. Ман ҳам чиқишим керак... Ҳа, хизмати курсин! Еқалашган одамларни нимага ҳам ажратишаркин? Ўзлари ҳам тўхташади-ку... Еқалашавериб чарчайсан-ку, ахир... Бир-бири билан тўйгунча муштлашишга қўйиб берилса... камроқ муштлашадиган бўлишарди, нега десангиз, еган калтагини кўпроқ эсида сақларди...

Бубнов (*сўридан тушиб*). Ўзинг катталарингга шундай деб айтиб қўй...

Костилев (*эшикни катта очиб юбориб, бақиради*). Абрам, югур... Василиса Наташкани... ўлдирай деяпти... югур!

Квашня, Медведев, Бубнов югуриб даҳлизга чиқиб кетишади. Лука, бошини чайқаб, уларнинг орқасидан қараб қолади.

А н н а. Э, парвардигор... шўрлик, Наташка!
Лу к а. Ким уришяпти унда?
А н н а. Хўжайкалар... опа-сингил...
Лу к а. (Аннанинг ёнига бориб). Нимани талашиб?
А н н а. Шунчаки ўзлари... иккови ҳам тўқ... соппа-

соф...
Лу к а. Отинг нима сани?
А н н а. Отим Анна... қараб турсам... отамга ўхшар
экансан... дадамга... у ҳам шундай меҳрибон... муло-

йим...
Лу к а. Кўп эзишган-да, мулойимлиги шундан...

Титроқ овоз билан кулади.

П а р д а

И К К И Н Ч И П А Р Д А

Уша жойнинг ўзи.

Кеч. Печь ёнида, сўриларда Сатин, Барон, Кривой
Зоб ва Татарин қарта ўйнаб ўтиришибди. Клешч билан
Актёр ўйинни томоша қилиб ўтиришибди. Бубнов ўз сўрисиди
Медведев билан шашка ўйнаяпти Лука табуреткада Анна-
нинг каравоти ёнида ўтирибди Туновхонада икки лампа ёниб ту-
рибди: бири деворда — қарта ўйнашаётган жойда, яна бири — Буб-
новнинг сўрисиди.

Татарин. Яна бир ўйнайман,— бошқа ўйнамай-
ман...

Бубнов. Зоб! Ашулангни, айт! (Ўзи бошлаб беради.)

Қуёш чиқур, қуёш ботур...

Кривой Зоб (у ҳам қўшилади).

Лекин турмам зим-знё...

Татарин (Сатинга). Қарта аралаштир! Яхшилаб!
Қанақалигингни биламиз...

Бубнов билан Кривой Зоб (икковлари.)

Э воҳ, туну кун соқчилар
Деразамни пойлашар...

А н н а. Калтак... хўрлик... хўрликдан бошқани кўр-
мади бошим... ҳеч нима кўрмади!

Лу к а. Эҳ, капалагим! Хўрсинма кўп!

Медведев. Қаёққа юряпсан? Кўзингга қара!..

Бубнов. Э-э! Шундақа дегин...

Т а т а р и н (*Сатинга муштини кўрсатиб*). Нимага қарта яширяпсан? Кўриб турибман... ҳу, сани!

К р и в о й З о б. Қўйсангчи, Асан! Барибир, булар бизни бошлади... Бубнов, қани ол, ашулангни!

А н н а. Тўқ куним бўлганмикин — билмайман ҳам... Бир бурда нон устида титраб турардим... Бутун умр титраб келдим... Бошқалардан кўпроқ еб қўймай деб... ўзимни қийноққа солиб юрардим... Бутун умрим жулдур кийиб ўтди... бутун бахти қора умрим... нима қилдим?

Л у к а. Эҳ, шўрлик болагинам! Ҳордингми? Ҳеч гапмас!

А к т ё р (*Кривой Зобга*). Валет юр... валет, алвасти!

Б а р о н. Бизнинг королимиз бор.

К л е ш ч. Ҳамиша улар босиб олишади.

С а т и н. Бизнинг одатимиз шунақа...

М е д в е д е в. Дамка!

Б у б н о в. Меники ҳам... хўш...

А н н а. Уламан, кетаман...

К л е ш ч. Кўрдингми, кўряпсанми! Қнязь, бас қил ўйинни! Бас қил, дедим!

А к т ё р. Сенсиз ўз ақли етмайдими?

Б а р о н. Андрюшка, яна сани оёғингдан олиб улоқтириб ташламай!

Т а т а р и н. Яна сўз! Кўза сувга бориб, ўзини чил-чил қилган экан... ман ҳам!

К л е ш ч, бошини чайқаб, қайтиб Бубновнинг ёнига боради.

А н н а. Э, худо, ўйлаганим, ўйлаган! Наҳотки, у дунёда ҳам мани азоб кутиб турган бўлса? Наҳотки у дунёда ҳам?

Л у к а. Ҳеч нима бўлмайди! Ётавер, хотиржам! Ҳеч нима! У дунёда ором оласан!.. Яна бир оз сабр қил! Яхши қизим, ҳамма сабр-тоқат қилади... ҳар бир кимса умрида ўз ҳолича сабр қилади... (*туриб тез-тез юриб оишхонага кириб кетади.*)

Б у б н о в (*ашула айтади*).

Билганингни қил, қўриқлайвергин...

К р и в о й З о б.

Менинг ўзим ҳам сира қочмайман...

Икки овоз.

Озодлик истайди бечора дил... оҳ!

Кучим йўқ, кишанни уза олмайман...

Татарин (*бақиради*). Ҳа! Қартани енгга тикдинг!
Барон (*уялиб*). Хўш... нима қилай бўлмаса, бур-
нингга тикайми?

Актёр (*салмоқли қилиб*). Князь! Сен хато қил-
динг... ҳеч ким... ҳеч қачон...

Татарин. Кўрдим ўзим! Муттаҳам! Уйнамайман!

Сатин (*қартани йиғиштириб*). Сан, Асан, оғзингга
қараб гапир... Муттаҳамлигимизни ўзинг ҳам биласан.
Билсанг, нега ўйнадинг?

Барон. Бир танга ютқиздинг-у, уч сўмлик тўполон
қиласан-а... яна князмиш!

Татарин (*зарда билан*). Ҳалол ўйнарга керак!

Сатин. Нимага кераги бор экан?

Татарин. Нимага деганинг нимаси?

Сатин. Шундай... Нимага?

Татарин. Нималигини билмайсанми?

Сатин. Билмайман. Сан-чи, биласанми?

Татарин жаҳлидан тупуриб юборади Ҳамма ундап кулади.

Кривой Зоб (*бемалол*). Қизик одамсан, Асан!
Ўзинг ўйлаб кўр! Агар булар ҳалол кун кўра бошлашса,
уч кунда очдан ўлишади...

Татарин. Мани нима ишим бор! Ҳалол кун кўрри-
га керак!

Кривой Зоб. Оғзи очилди! Юр, яхшиси чой ича-
миз... Бубен!

Бубнов.

Яна сиздирсиз темир соқчилар...

Эҳ-эҳ, кишанлар. эҳ, кишанларим...

Кривой Зоб. Юр, Асанка! (*Ашула айтиб чиқиб
кетади.*)

На узаман сизни, на парчалайман...

Татарин Баронга муштини ўхталади-да, ўртоғининг орқаси-
дан чиқиб кетади.

Сатин (*Баронга, кулиб*). Сиз, жаноб. яна тантана
билан ботқоққа ўтириб қолдингиз-ку! Уқиган одамсизу,
қартани алиштириб қўйишни билмайсиз-а...

Барон (*қўлларини ёзиб*). Ким библибди, бунга дей-
сан...

Актёр. Талант йўқ... ўзига ишонч йўқ... Бусиз...
ҳеч қачон, ҳеч нима...

Медведев. Менда битта дамка... сеники иккита...
н-да!

Бубнов. Битта ҳам ёмонмас, ақли бўлса... юр!

Клешч. Абрам Иванович, ютқиздингиз!

Медведев. Санинг ишинг эмас, тушундингми? Жим ўтиравер...

Сатин. Ютуқ — эллик уч тийин...

Актёр. Уч тийини менга... айтганча, уч тийиннинг нима кераги бор менга?

Лука (*ошхонадан чиқиб келиб*). Хўш, татарни ют-волдийлами? Энди ароқхўрликка борарсизлар?

Барон. Юр, биз билан!

Сатин. Қанақа маст бўлишингни бир томоша ҳилардик!

Лука. Хушёрлигимдан яхши эмас...

Актёр. Юр, чол... сенга куплетлар ўқиб бераман.

Лука. Нима?

Актёр. Шеър, — биласанми?

Лука. Шеър дейсанми! Менга нима кераги бор шеърингни?..

Актёр. Ўзи кулгилик-да... баъзан хафа ҳам бўласан...

Сатин. Ҳой, куплетчи, юрасанми? (*Барон билан чиқиб кетади.*)

Сатин. Ҳозир... орқангдан етиб оламан! Мана, чол, сенга, масалан, бир шеърдан ўқиб берай... бошини эсимдан чиқарибман... эсдан чиқибди! (*Пешонасини ишқалайди.*)

Бубнов. Тамом! Дамканг онасини кўрди... юр!

Медведев. Бошқа ёққа юриб қўйдим... отиб ол уни!

Актёр. Илгарилари, организм алкоголь билан заҳарланмаганда, билсанг, чол, эс-хушим жуда жойида эди... Энди кўрсанг... тамом бўлган, оғайни! Мен бўлганим бўлиб қолган! Шу шеърни ҳар гал дўндириб ўқирдим... қарсақвозлик бўлиб кетарди! Сен... қарсақвозлик нималигини билмайсан, билсанг, оғайни, у нимаю, ароқ нима! Баъзан, чиқардим-да, мана бундай гуриб олардим... (*Қандай турганини кўрсатади.*) Ҳеч нима ёдимда қолмапти... бир сўзи ҳам... ёдимда йўқ! Яхши кўрган шеъринг бўлса... ёмонми бу, а, чол?

Лука. Яхши кўрган шеърингники ёдингдан чиқариб қўйган бўлсанг, нимаси яхши? Яхши кўрган нарсанг кўнглингни тўлдириб туради...

Актёр. Чол, билсанг, мен жонимни ароққа сотиб

юборганман... оғайни, мен ҳалок бўлган одамман...
Биласанми — нимага? Имоним йўқ эди... Бўлганим бў-
либ қолганман...

Лука. Ҳа, санга нима бўлди? Сан... ўзингни қарат!
Шу кунларда пианисталарни даволашяпти-ку, эшитдинг-
ми? Билсанг, оғайни, пулсиз даволашяпти... пианиста-
ларга атаб шундай бир шифохона очишибди... уларни
текинга даволашаркан... Кўрдингми, пианиста ҳам
одам-ку, деб уларни ҳам одам қаторига қўшишибди...
пианиста ўзини даволашга рози бўлса, ундан хурсанд
ҳам бўлишаркан! Ана кўрдингми, сан ҳам ўзингни қар-
рат! Бор...

Актёр (*ўйланиб*). Қаёққа? Қаерда экан?

Лука. У-ми... қайси бир шаҳардаям... нима деган
шаҳар эди? Номи ҳам ажойиб... мен санга у шаҳарни
айтиб бераман!.. Биласанми, сан ҳозирча тайёргарли-
гингни кўравер! Ичма... ўзингни тий — чида... Кейин да-
воланасан — тузалиб оласан... яна янгидан дунёга кела-
сан... оғайни, дейман, янгидан дунёга келиш яхши-я!
Бир-икки дегину... дарров бир қарорга кел...

Актёр (*илжайиб*). Янгидан... яна бошдан... яхши
гап... нимасини айтасан... Янгидан-а? (*Кулади*.) Ҳа...
бўлмаса-чи? Қўлимдан келармикин?! Келар, а?

Лука. Нега келмасин? Одамнинг қўлидан ҳар нарса
келади... хоҳиши бўлса бўлгани...

Актёр (*бирданига, худди уйқудан тургандай*). Сен
ўзинг, ажойиб одам экансан! Ҳозирча хайр (*Ҳуштак
чалади*.) Ҳой, чол... хайр... (*Кетади*.)

Анна. Отахоним!

Лука. Ҳа, болагинам?

Анна. Ман билан гаплашиб ўтиргин...

Лука (*унинг ёнига келиб*). Кел бўлмаса, гаплашай-
лик...

Клешч кўз қирини ташлаб қўяди, индамасдан хотинининг ёнига
келиб, унга қараб қўяди, унга нималарнидир айтмоқчи бўлгандай,
қўли билан қандайдир ишоралар қилади.

Лука. Ҳа, иним?

Клешч (*секин*). Ҳеч нима... (*секин юриб даҳлиз
зишиги ёнига боради, эшик олдида бир неча минут туриб,
чиқиб кетади*.)

Лука (*уни бошдан-оёқ кўздан кечириб*.) Эрингга
қийин экан...

Анна. Уни ўйлашга ҳолим ҳам қолмади...

Лука. Сани урармиди?

Анна. Урганда қандоқ... шу кунимга ўша зомин бўлди...

Бубнов. Хотинимнинг... ўйнаши бор эди; айёр тулки, шашка ўйнашга жуда ҳам устайди-да...

Медведев. Ҳм-м...

Анна. Отахоним! Жон ота, мен билан гаплашиб ўтиргин... Кўнглим беҳузур бўлиб кетяпти...

Лука. Ҳеч нима эмас! Чироғим... ўлим олдида шундай бўлади. Ҳеч нима эмас, чироқтойим! Сан, ноумид бўлма... Уласану тинчингни оласан... бошқа ҳеч гаминг ҳам бўлмайди, қўрқишнинг ҳам ўрни қолмайди! Тиниб-тинчийсан... бемалол ётасан! Улим — ҳаммани тинчитади... ўлим бизга жуда раҳмдиллик қилади... Уласану — тиним оласан, деганлари... қизгинам, тўғри гап! Нега десаңг — одам боласига бунда тиним қаёқда дейсан?

Пепел кириб келади. Сал кайфи бор, сочлари тўзиган, қовоғи солиқ. Эшик олдидаги сўрига ўтириб, қимирламасдан ўтиради.

Анна. У ёғда қандай, унда ҳам азобми?

Лука. Ҳеч нима бўлмайди! Ҳеч нима! Манга ишонавер! Ҳузур қилишдан бошқа гап йўқ! Сани худонинг олдига чақириб олиб боришади-да: э, тангрим, мана қулинг Анна ҳузурингга келибди... дейишади...

Медведев (*жиддий*). У ёғда нима дейишларини сан қаёқдан биласан? Ҳой, сан...

Медведевнинг овозини эшитиб Пепел бошини кўтариб, гапга қулоқ солади.

Лука. Айтканимдан кейин, билсам керак-да, жаноб ундер...

Медведев (*муросага боргандай*). М... да! Хўб... сани ишинг... Хоҳла... ман ҳали... ундерлик даражасига етганим йўқ-ку...

Бубнов. Иккитасини оламан...

Медведев. Ха, сани... олсин сани!..

Лука. Тангри бўлса, санга беозор, мулоийм назар ташлаб: бу Анна деганингизни ўзим ҳам биламан! Бу Аннани, жаннатга олиб боринглар! — дейди. Ором олсин... ўзим биламан, кўрган кунлари жуда огир бўлди... жуда ҳолдан кетган... Аннага ором беринглар, дейди...

Анна (*нафаси қисиб*). Отахоним... азизгинам...

қани энди шундай бўлса! Қани энди... ором олсам... ҳеч нимани сезмасам...

Лука. Сезмайсан! Ҳеч нима бўлмайди! Сан ишонавер! Ҳеч нимадан қўрқмай... суюниб жон беравер... Улим, санга айтсам, гўдак болага онаси қандай бўлса, бизга ҳам шундай...

Анна. Балки... эҳтимол, соғайиб кетарман?

Лука (*илжайиб қўйиб*). Нима кераги бор? Яна азобгами?

Анна. Яна... оз-моз умр кўрсам дейман... қиттак! У ёғда азоб бўлмагандан кейин... бу ерда сабр қилса бўлади... бўлади!

Лука. У ёғда ҳеч нима бўлмайди!.. Шунчаки...

Пепел (*ўрнидан туриб*). Тўғри... балки—нотўғридир!

Анна (*қўрқиб кетиб*). Э, парвардигор...

Лука. Ҳа, сўлим йигит...

Медведев. Ким у бақиряпкан?

Пепел (*унинг ёнига келиб*). Мен! Нимайди?

Медведев. Бекор бақиряпсан, билдингми! Киши деган жим юриши керак...

Пепел. Э... ландавур-е!.. Яна — тоғамиш... х-хо!

Лука (*Пепелга, секин*). Манга қара — бақирма! Бу ерда хотин киши жон беряпти... лаблари худди ердай кўкариб кетди... халақит берма!

Пепел. Хўп, отахон, ҳурматингни қила қолай! Узинг тузук кўринасан! Ёлгонни ҳам хўп қотирар экансан... ёқадиған эртақ айтар экансан! Майли, ёлгон гапиравер... бобой дейман, бу дунёда ўзи роҳат деган нарса ҳам оз қолди!

Бубнов. Ростдан, бу хотин жон беряптими?

Лука. Ё биров ҳазил қиляптими...

Бубнов. Бўлмаса, йўталишини бас қиларкан-да... Жуда беҳузур бўлиб йўталарди... Иккитасини оламан!

Медведев. Эҳ, юрагингдан ўқ егур!

Пепел. Абрам!

Медведев. Ман санга — Абраммасман...

Пепел. Абрамжон! Наташа касалми?

Медведев. Нима ишинг бор?

Пепел. Йўқ, айтгин: уни Василица қаттиқ урибдими?

Медведев. Бу ҳам санинг ишинг эмас! Бу — оила иши... Сан ўзинг ким бўлдинг?

Пепел. Ким бўлсам ҳам, агар... хоҳласам, Наташкангларни бир умр кўрмайсизлар!

Медведев (*ўйинни тўхтатиб*). Сан ўзинг нима деяпсан? Сан кимни айтяпсан? Мани жияним-а... Э, сан ўғрини!

Пепел. Уғриману, лекин ҳали қўлингга тушганим йўқ...

Медведев. Шошмай тур! Қўлимга тушиб қола сан... шошма сани...

Пепел. Қўлга туширганингда ҳам — бутун уяларинг бошига битган бало бўламан. Сан мани терговчининг олдида жим туради деб ўйлаяпсанми? Бўридан, инсоф сўра думидан! Сани ким ўғирликка солди, ким жой кўрсатди, деб сўрашар-ку! Мишка Костилов билан хотини! Уғирлик молларни кимга сотдинг? — Мишка Костилов билан хотинига!

Медведев. Ёлғон! Гапингга ишонишмайди!

Пепел. Ишонишади, чунки тўғриси шу! Ҳали сани ҳам оёғингдан тортаман... шошма! Сан иблисларни, ҳаммаларингни шарманда қиламан, кўрарсан!

Медведев (*нима дейишини билмай*). Ёлғон! Бу... ёлғон! Санга... ман нима ёмонлик қилдим? Қутурган ит...

Пепел. Бўлмаса, нима яхшилик қилдинг?

Лука. Ҳа-а!

Медведев (*Лукага*). Сан... нимага қаққиллаб қолдинг? Бунда сани нима ишинг бор? Бу — ўз ўрта-миздаги гап!

Бубнов (*Лукага*). Сан жим ўтир! Сан билан манга сиртмоқ тайёрлашятгани йўқ.

Лука (*мўмин бўлиб қолиб*). Ман ҳеч нима деяётганим йўқ! Фақат айтмоқчи бўлганим шуки, агар бирон кимса бирон кимсага яхшилик қилмаган бўлса... демак, у ёмонлик ҳам қилибди...

Медведев (*тушунмасдан*). Ана бу бошқа гап! Бу ерда биз ҳаммамиз бир-биримизни биламиз... сан ўзинг кимсан? (*Жаҳли чиқиб пишқириб, тез чиқиб кетади.*)

Лука. Йигитнинг жаҳли чиқиб кетди-ку... охо-хо, қараб турсам, оғайнилар, ишларинг... чалкаш-ку!

Пепел. Василицага арз қилгани югуриб кетди...

Бубнов. Василий, сан аҳмоқлик қиляпсан! Жуда довюррак бўлиб кетдингми, дейман... эҳтиёт бўл, ботирлигинг ўрмонга қўзиқорин тергали борганингда керак бўлади... бу ерда ботирликнинг жойи эмас... каллангни узиб ташлашади, ўзинг ҳам билмай қоласан-а...

Пепел. Бэ, қўйсангчи! Биз ярославликларни қуруқ қўлинг билан дарров енгиб бўпсан... Уруш бўлса — уришаверамиз...

Лука. Ростданам, сан, йигит, шу жойлардан нарироқ юрсанг бўлардим, дейман...

Пепел. Қаёққа? Қани, у ёгини ҳам айт...

Лука. Бор... Сибирга жўнаб кет!

Пепел. Эҳа! Йўқ, шу Сибирь деганингга мани ғазна ҳисобидан юборадиган вақтларигача кутиб тураман...

Лука. Сан гапимга кир, жўнаб кет! У ерда ўз йўлингни топиб оласан... У ерга сандақалар керак!

Пепел. Йўлим — пешонамга ёзилган! Отам бутун умр турмада ўтирган, манга васият қилиб кетган... Мен кичкиналигимда, ўша вақтларда ҳам мани ўғри, ўғривачча дейишарди...

Лука. Билсанг, Сибирь яхши жой! Жуда сердаромад ажойиб юрт! Билагида кучи, калласида ақли борлар у ерда — бамисоли парникда етиштирилган бодрингдай тансиқ бўлади!

Пепел. Чол! Нима қиласан ёлғон гапириб!

Лука. Нима?

Пепел. Кар бўлиб қолдим дейман! Нега ёлғон гапирасан, деяпман?

Лука. Нимани ёлғон гапиряпман?

Пепел. Ҳаммаси ёлғон... Сенга у ер ҳам яхши, бу ер ҳам яхши... ахир — ёлғон-ку! Нима кераги бор?

Лука. Сан манга ишонгинда, бориб ўз кўзинг билан кўргин... Раҳмат дейсан... Бу ерда нима қилиб судралиб юрибсан? Яна... санга ҳақиқат, ўзи нимага жуда керак бўлиб қолди... ўзинг бир ўйлаб кўр! Бу, ҳақиқат дегани, эҳтимол, санга ортиқча юкдир...

Пепел. Манга барибир! Юк бўлса, бўлаверсин...

Лука. Э тентак-э! Ўзингни-ўзинг ҳалок қилиб нима қиласан?

Бубнов. Намунча икковийла эзмалашиб қолдиди-ла? Тушунолмаяпман... Васька, санга қанақа ҳақиқат керак бўлиб қолди? Уни нима қиласан? Ўз тўғрингдаги ҳақиқатни биласан-ку... уни ҳамма ҳам биледи...

Пепел. Шошма, қақиллайверма! Қани манга айтчи... манга қара, чол, худо борми?

Лука жим қолиб, кулиб қўяди.

Бубнов. Ҳамма одамзод боласи... худди дарёдан пайраҳа оққандай... кун кўради... уй солганда... пайраҳасини чопиб ташлайдилар...

Пепел. Хўш? Борми? Гапир...

Лука (секин). Агар ишонсанг — бор, ишонмасанг — йўқ... Киши нимага ишонса, ўша нарса бор...

Пепел жим, ҳайрон бўлиб чолга қараб қолади.

Бубнов. Бир чой ичиб келай... юринглар, трактирга? Хой!..

Лука (Пепелга). Нимага қараб қолдинг?

Пепел. Ўзим... шошма!.. Демак...

Бубнов. Бўлмаса, бир ўзим... (эшикка қараб бориб, Василисага дўч келади.)

Пепел. Демак... сан...

Василиса (Бубновга). Настасья уйдами?

Бубнов. Йўқ... (Чиқиб кетади.)

Пепел. Э... келдингми...

Василиса (Аннага яқин келиб). Ҳали тирикмисан?

Лука. Безовта қилма...

Василиса. Сан ўзинг... нега қоққан қозикдай бўлиб турибсан?

Лука. Кетишим мумкин... агар керак бўлса...

Василиса (Пепелнинг ҳужра эшиги томонга юриб бориб). Василий! Санда ишим бор эди...

Лука даҳлиз эшигига бориб, уни очали-да, қаттиқ бекитиб қўяди. Сўнгра, эҳтиёт бўлиб сўрига, ундан печга чиқиб олади.

Василиса (Пепелнинг уйдан туриб). Вася... бу ёққа кел!

Пепел. Бормайман... қўй...

Василиса. И-йе... ҳали шундайми? Нимага жаҳлинг чиқди?

Пепел. Юрагим сиқилиб кетяпти... жонимга тегди шу ғиди-бидилар...

Василиса. Ман ҳам... жонингга тегдимми?

Пепел. Сан ҳам...

Василиса қўлларини кўкрагига босиб елкасидаги рўмолини қаттиқ тортиб олади, Анна ётган жойга бориб, секин чойшапни кўтариб қараб қўяди-ю, яна Пепелнинг ёнига қайтиб келади.

Пепел. Нима дейсан... гапир...

Василиса. Нимани гапирардим? Суймаганга суй-

канма... ўзим ҳам унақа ялинадиганлардан эмасман...
ҳаққиға кўчганинг учун раҳмат...

Пепел. Қанақа ҳаққиға?

Василиса. Ман жонингга текканимни айтдинг-
ку... ё бу ҳақ гап эмасми?

Пепел жим унга қараб туради.

Василиса (унга яқин келиб). Нимага тикилиб
қолдинг? Танимаяпсанми?

Пепел (хўрсиниб қўйиб). Ўзинг чиройли хотинсану,
Васка... (хотин унинг елкасига қўлини қўяди, лекин у
елкасини қимирлатиб қўлини тушириб юборади)... ле-
кин ҳеч ҳам санга кўнглим бўлган эмас... Сан билан
турганман ҳам, яна нималар... лекин ҳеч сани ёқтирган
эмасман...

Василиса (наст овоз билан). Шундай дегин... Э-
э...

Пепел. Бўлди, гапирадиган гапимиз ҳам йўқ! Ни-
мани гаплашардик... йўкол, ёнимдан...

Василиса. Биронтаси ёқиб қолдимми?

Пепел. Санинг ишинг эмас... Ёқиб қолганда ҳам...
сени совчи қилмайман...

Василиса (маънодор қилиб). Чакки қиласан...
Балки, совчилик ҳам қилардим...

Пепел (шубҳаланиб). Кимни деяпсан?

Василиса. Ўзинг биласан... билмасликка солиб
нима қиласан? Василий... ман рўй рост иш қиладиган
одамман... (секин.) Яширмай қўя қолай... сан мани
хафа қилдинг... Ҳеч гуноҳим бўлмаса ҳам — худди қам-
чилагандай бўлдинг... яхши кўраман дегандинг... энди
тўсатдан...

Пепел. Ҳеч тўсатдан эмас... Ман аллақачон... кў-
нгил деган нарса йўқ экан, сан хотинда... Хотин деган-
да кўнгил бўлиши керак... биз — ҳайвонмиз... бизни...
бизга тарбия керак... сан бўлсанг, мани нимага ўргат-
динг?..

Василиса. Ўтган ишга салавот... биламан — одам
деганинг ўз ихтиёри ўзида эмас... кўнглинг қолган бўл-
са... майлига! Нима ҳам иложим бор...

Пепел. Демак, нома тамом, вассалом! Уриш-жан-
жалсиз, тинч ажралишиб кетдик... жуда соз!

Василиса. Йўқ, шошма! Ҳар ҳолда... сан билан
турганимда... мани бу ботқоқдан олиб чиқиб кетасан деб

умид қилиб юрган эдим... эримдан, тоғамдан... мана шу кўргуликларимдан қутқарасан, деб юргандим... Вася, балки ман санга эмас,— балки... сандан қилган шу умидимга, шу хаёлимга маҳлиё бўлиб юргандирман... Тушунаяпсанми? Мани қутқариб олиб чиқиб кетасан, деб кутиб юргандим...

Пепел. Сан миҳ эмас, ман — омбир... ман сани жуда ақлли деб ўйлаб юрардим... ахир, ўзинг ақлли хотинсан-ку... ўзинг — уддабуронсан-ку!

Василиса (унга яқинроқ энгашиб). Вася! кел... бир-биримизни қўллашиб юборайлик...

Пепел. Бу нима деганинг?

Василиса (секин, шиддат билан). Синглимга... кўнглинг бор, биламан...

Пепел. Уни хайвондай тутиб уришинг ҳам шундан! Билиб қўй, Васка! Унга қўлингни тегизма...

Василиса. Шошма! Қизишма! Ҳаммасини тинчлик билан, яхшиликча қилса бўлади... Хоҳласанг — унга уйлана бер? Яна ёнимдан санга... уч юз... сўлкавой пул ҳам берай! Кўпроқ жамғарсам, кўпроқ ҳам бераман...

Пепел (орқасига тисарилиб). Тўхта... бу нима деганинг? Нимага пул берасан?

Василиса. Мани... эримдан қутқар! Бўйнимдан олиб ташла шу сиртмоқни...

Пепел (секин ҳуштак чалиб). Э, гап бу ёқда дегин! Эҳ-ҳа! Жуда ўйлаб топибсан-ку... демак, эрингни — гўрга тикасан, ўйнашингни — каторгага жўнатасан, ундан кейин ўзинг...

Василиса. Вася! Каторганг нимаси? Сан ўзинг эмас... ўртоқларингга! Ўзинг бўлсанг ҳам, ким билиб ўтирибди? Наталья— ўйлаб кўр! Пулинг ҳам бўлади... бирон жойга жўнаб кетасан... мани ҳам умрбод қутқарасан... синглим ёнимда бўлмаса, унга яхши. Уни кўриб туришга тоқатим йўқ... сани деб ундан жаҳлим чиқиб кетади-да, ўзимни тутолмай қоламан... қиз бечорага азоб бераман, тутиб ураман... шунақа ураманки... кейин унга юрагим ачиб ўзим йиғлаб ўтираман... Уришга ураман. Уришимни бас қилмайман ҳам!

Пепел. Золим! Золимлигингни айтиб мақтанаяпсанми?

Василиса. Мақтанаётганим йўқ, тўғрисини айтяпман. Ўйлаб кўр, Вася... Сан эримнинг касрига... унинг очкўзлигидан, икки марта турмада ўтириб чиқдинг...

У манга худди қандаладай ёпишиб олган... тўрт йилдан буён сўряпти! Манга у нима эр бўлди дейсан? Наташкага кун бермайди, уни хўрлаб, гадойсан, дейди! Ҳаммага заҳарини сочиб юради...

Пепел. Жуда ҳам айёрсан-да...

Василиса. Гапларим — оппа-ойдин... Муддаом нималигига фақат аҳмоқнинг ақли етмайди...

Костилев секин келиб, киши билмас олдинга юриб келади.

Пепел (*Василисага*). Хўб... бор энди!

Василиса. Уйлаб кўр! (*Эрини кўриб қолади*). Нима қилиб юрибсан? Қидириб келдингми?

Пепел сакраб ўрнидан туриб, Костилевга ғалати қилиб қараб қўяди.

Костилев. Бу — ман... ман! Сизлар бунда... ёлғизмисизлар? Э-э... Гаплашиб ўтирганмидинглар? (*Бирдан тепиниб, қаттиқ чинқиради.*) Васька... ифлос! Гадой... вачча! (*Чинқиришини ҳеч ким писанд қилмаганини кўриб, чинқиришидан ўзи қўрқиб кетади.*) Ўзинг кечир, худойим, сан, Василиса, мани яна васвасага солдинг... сани қидирмаган жойим қолмади... (*Чинқириб.*) Ухлаш керак! Шамчироқларга ёғ қуйиш эсингдан чиқипти-ку... ҳу, сани! Гадой... чўчқа... (*Титроқ қўллари билан унга дўқ қилиб қўяди... Василиса, Пепелга қараб-қараб қўйиб, секин даҳлиз эшигига қараб юради.*)

Пепел (*Костилевга*). Ҳой, сан! Тур... йўқол!..

Костилев (*бақиради*). Ман — хўжайинман! Ўзинг йўқол, ҳа! Ўғри...

Пепел (*тўнғиллаб*). Йўқол, Мишка...

Костилев. Тилингни тий! Ман бу ерда... сани шошма...

Пепел уни ёқасидан ушлаб силтайди. Печда кимдир у ёқдан-бу ёққа ағнаб, қаттиқ эснаб қўяди. Пепел Костилевни қўлидан қўйворди, чол бақириб даҳлизга чиқиб кетади.

Пепел (*сўрига сакраб чиқиб*). Ким бу... Печда ётган ким?

Лука (*бошини чиқариб*). Нима?

Пепел. Санмидинг?!

Лука (*жимгина*). Ман... ман ўзим... а, парварди-гор!

Пепел (*даҳлиз эшигини ёпиб, занжирини қидиради-ю, тополмайди*). Ҳа, иблислар... Ҳой, чол, туш бу ёққа!

Лука. Ҳозир... тушаман..

Пепел (*дағаллик билан*). Печга нимага чиққан эдинг?

Лука. Қаёққа чиқсам бўларди?

Пепел. Сан даҳлизга чиқиб кетувдинг-ку!

Лука. Оғайни, ман чол кишига даҳлиз совуқлик қилади...

Пепел. Эшитдингми... сан?

Лука. А, эшитдим! Эшитмай бўладими? Ё, мани кар деб билдингми? Ҳой, йигит, бахтинг очиляпти... Бахтинг очиляпти, дейман!

Пепел (*шубҳаланиб*). Қанақа бахт? Нима деганинг?

Лука. Печга чиққанам — санинг бахтинг.

Пепел. Бўлмаса... нега унда ивирсилаб қолдинг?

Лука. Исиб кетгандурман-да... сан етимчанинг бахтига... яна туриб-туриб, ҳайтовур йигит хато қилмади... чолни бўғмаса бўларди... деб ўйлаб ҳам қўйдим...

Пепел. Ҳа, тўғри айтасан... бўғиб қўярдим ҳам... лаънатини ёмон кўраман...

Лука. Шу ҳам иш эканми? Нима қийинлиги бор... Кўпинча шундай хато қилишади ҳам...

Пепел (*илжайиб қўйиб*). Сан нима? Ўзинг ҳам бирон вақт шундай хато қилгансанми, дейман?

Лука. Йигит дейман! Гапимга қулоқ сол, ман санга бир гап айтай: бу хотиндан қоч! Гапига, зинҳор кирма! — ёнингга йўлатма... Эрини, ўзи ҳам гумдон қилиш қўлидан келади, сандан ҳам устарақ кўринади, ҳа! Сан у иблисваччанинг гапига қулоқ солма... мани кўрдингми? Бошимда чочим қолмаган... Бунақа хотинлардан бошимдаги чочимдан ҳам кўпроғини кўрганман... Бу Василсанг бўлса — ўлгудай чайир хотин кўринади!

Пепел. Ақлим етмай қолди, санга раҳмат деяйми, ёки сан... ҳам...

Лука. Сан — жим тур! Мандан яхшироқ айтолмайсан! Гапимга қулоқ сол: кўнглинг тортгани бор-ку, ўшани кўлингга ол-да, бу ердан жўнаб қол! Кет, бу ердан! Кўзга кўринма...

Пепел (*қовоғи солиниб*). Одамларга ҳам ақлич етмай қолди! Қайси бирининг кўнгли тўғри-ю, қайси бирининг кўнгли эгри?.. Тушуниб бўлмайди...

Лука. Тушунишни нима кераги бор? Ҳар хил одам боласи бор... кўнгли нимани ёқтирса, шуни қилади...

бугун — яхши бўлса, эртага — ёмон... Агар ҳалиги қиз кўнглингга астойдил ёқиб қолган бўлса... у билан бу ердан кет, вассалом... Бўлмаса — ёлғиз ўзинг бошингни олиб кет... ҳали ёшсан, хотин олиш қочмайди...

Пепел (*уни елкасидан ушлаб*). Йўқ, сан ростини айт, бу гапларни нимага айтяпсан...

Лука. Шошма, қўйвор. Аннага бир қараб қўяй... жуда қаттиқ хириллаб қолди... (*Аннанинг ётоғи ёнига боради, чойшапни кўтариб қарайди, қўлини тегизади. Пепел йўланиб, паришонхотир бўлиб унга кўз ташлаб туради.*) Э, марҳаматли парвардигор! Янги қулваччанг Аннанинг жонини қийнамай, тезроқ ола қол...

Пепел (*секин*). Улибдимми?.. (*Яқин келмай, бўйнини чўзиб, каравотга қарайди.*)

Лука (*секин овоз билан*). Азобдан қутулиб олибди!.. Эри қаёғда юрибди?

Пепел. Трактирда бўлса керак...

Лука. Айтиш керак...

Пепел (*чўчиб кетиб*). Мурдани ёмон кўраман...

Лука (*эшик томонга бора туриб*). Нимасини ҳам яхши кўрардинг?.. Тирикларни яхши кўриш керак... тирикларни...

Пепел. Ман ҳам сан билан...

Лука. Қўрқасанми?

Пепел. Ёмон кўраман...

Шошилиб чиқиб кетишади. Уй ҳувиллаб қолади, жимлик чўқади. Даҳлизда эшик орқасида қандайдир, ўқтин-ўқтин, тушуниб бўлмайдиган шов-шув эшитилади. Кейин Актёр кириб келади.

Актёр (*эшикни бекитмай, эшик олдида тўхтайдди, қўллари билан кесакини ушлаб туриб, бақиради*). Ҳой, чол! Қаёғдасан? Эсимга тушиб қолди... қулоқ сол (*гандираклар икки қадам қўяди-да, қаддини ростлаб йўқийди.*)

Жаноблар! Гар муқаддас ҳақиқат сари
Бу эл-юрт агар тополмаса йўл,—
Башарга олтиндек уйқу уруғин
Сочган девонага бўлсин шарафлар!

Актёрнинг орқасидан эшикдан Наташа кириб келади.

Актёр. Чол!..

Гар эртаги кун еримиз йўлин
Ёритиш расминини унутса қуёш.
Эртагаёқ бутун бир олам узра
Бир девона фикри эди пур сочар...

Наташа (кулиб). Олабўжи! Оғзидан суви ҳам келиб кетибди...

Актёр (унга бурилиб қараб). Ҳа-а, сенмисан? Чол қаёғда қолди... авлиё чол? Бу ерда, ўзи, ҳеч ким йўқми, дейман... Наташа, хайр... ҳа!

Наташа (кириб келиб). Сўрашганинг йўғу, хайрлашиб қолдинг...

Актёр (унинг йўлини тўсиб). Мен кетяпман, кетяпман... баҳор келсин, мен ҳам гум бўламан...

Наташа. Қўйворсангчи... қаёққа, йўл бўлсин!

Актёр. Шаҳар излаб... даволанаман... Сен ҳам кет бу ердан... Офелия... монастирга чекил... Биласанми — организмлар учун... пианистлар учун очилган шифохона бор... Жуда ажойиб ўзи... Мрамардан... поллари ҳам мрамар! Еп-ёруғ, озода, овқат дейсанми... ҳаммаси — текин! Поли ҳам мрамардан, ҳа! Қидириб топаман, даволанаман... яна бўламан. Король... Лир айтмоқчи, мен янгидап туғма бўламан! Наташа... саҳнада Сверчков-Заволжский деган номим бор, буни ҳеч ким билмайди, ҳеч ким! Бу ерда ҳеч қандай номим йўқ... Биласанми, номсиз қолишдан ҳам ёмон хўрлик борми кишига? Ҳатто итларнинг ҳам номи бўлади...

Наташа секин Актёрнинг ёнидан ўтиб, Аннанинг каравоти ёнида тўхтаб қарайди.

Актёр. Номсиз одам бўлмайди...

Наташа. Қара мунга... бечора... жон берибди...

Актёр (бошини чайқаб). Йўғэ-э...

Наташа (тисарилиб). Худо урсин... қара...

Бубнов (эшикдан туриб). Нимасига қарайсан?

Наташа. Анна дейман... ўлибди-ку!

Бубнов. Бўлмаса, йўталишидан қутулибди-да. (Аннанинг ётоғига яқин келиб қарайди, яна ўз жойига бориб ўтиради.) Клешчага айтиш керак... бу — унинг иши...

Актёр. Бориб... айтаман... номидан айрилибди!.. (Кетади.)

Наташа (уйнинг ўртасида). Мен ҳам... бир кун эмас бир кун... ертўлада... хору-зор бўлиб...

Бубнов (сўрисиغا қандайдир латта-пугталарни ёпиб). Нима? Сан ўзинг нималар деб валдираяпсан?

Наташа. Шунчаки... ўзим...

Бубнов. Васькани кутяпсанми? Эхтиёт бўл, бўйнингни синдириб қўймасин Васька...

Наташа. Ким синдирса ҳам барибир эмасми? Яхшиси у синдира қолсин...

Бубнов (*ўрнига ётади*). Билганингни қил...

Наташа. Мана.. ўлиб қўя қолгани яхшнку-я... кишининг юраги ачиркан... Э, худо! Бу одам боласи дунёга нимага келган эди?

Бубнов. Ҳаммага келадиган тўй: туғилишади, умр кўришади, ўлишади. Ман ҳам ўламан... сан ҳам... Нимасига ачинасан?

Лука, Татарин, Кривой Зоб ва Клешч кириб келишади.
Клешч ҳаммадан кейинда, секин, бўйнини қисиб кириб келади.

Наташа. Ш-ш! Анна...

Кривой Зоб. Эшитдик... жон берган бўлса, жойи жаннатда бўлсин...

Татарин (*Клешчга*). Ташқарига олиб чиқарга! Даҳлизга олиб чиқарга! Бу ерга — ўлик — тўғри келмиш, бу ерга — тирик ётарга...

Клешч (*секин*). Олиб чиқамиз...

Ҳаммалари каравот ёнига келишади. Клешч бошқаларнинг елкасидан хотинига қараб қўяди.

Кривой Зоб (*Татаринга*). Сан арвоҳи келади деб ўйладингми? Ундан арвоҳ ҳам чиқмайди... тириклигидаёқ қуриб-қовжираб қолган...

Наташа. Э, худо! Ачинишмайди ҳам-а... бирон киши бирон гап айтмайди ҳам-а! Ҳу, сенларни...

Лука. Қизим, сан хафа бўлма... ҳечқиси йўқ! Қаёғда дейсан... ўликка ачиниш бизда қайси гўрда дейсан? Э, оппоғим-э! Тирикларга юрагимиз ачинмаяптику... ўзимизга ўзимиз ачинмаймизу... бунга қаёғда дейсан!

Бубнов (*эснаб*). Барибир-да, ажал деганга гап кор қилмайди!.. касал гапдан қўрқади, ажал — қўрқмайди!

Татарин (*нарироққа бориб*). Полицияга керак айтирға...

Кривой Зоб. Полицияга дейсанми, албатта айтиш керак! Клешч! Полицияга хабар қилдингми?..

Клешч. Йўқ... кўмиш керак... ёнимда бор-йўғи қирқ тийин пулим бор...

Кривой Зоб. Бошингга тушганидан кейин, қарз оласан-да... ё биз йиғиб берамиз... биров — бир мири, биров — ҳолига қараб... Лекин полицияга хабар қил... тезроқ! Бўлмаса, хотинини ўзи ўлдирган деб... яна бирон нарса деб ўйлашади... (сўрига бориб, Татариннинг ёнига ётмоқчи бўлади.)

Наташа (Бубновнинг сўриси ёнига бориб). Мана... энди тушимга кираверади... Тушимда нуқул ўлик кўраман... Бир ўзим кетгани қўрқяпман... даҳлиз — қоронғи...

Лука (унинг орқасидан қараб қолиб). Санга айтсам... сан тириклардан эҳтиёт бўл...

Наташа. Буважон, мани кузатиб қўйгин...

Лука. Юр, юр, кузатиб қўяй, бўлмаса!

Кетишади. Пауза.

Кривой Зоб. Охо-хо-о! Асан! Баҳор ҳам яқин қолди, дўстим, елкамизга ҳам офтоб тегиб қолади! Ҳозир қишлоқларда деҳқонлар ҳам қимирлаб, омоч-модаларини тузатишяпти... ер ҳайдаш пайдан бўлишяпти... оғайни! Биз нима қиляпмиз... Асан? Хуррак тортиб қолибди-ку, бу баттол, Магомет...

Бубнов. Татарлар уйқуни яхши кўришади...

Клешч (туновхонанинг ўртасида, қаёққадир бемаъни қараб туради). Энди ман нима қиламан?

Кривой Зоб. Ётиб ухла... нима қилардинг...

Клешч (секин). У-чи... нима бўлади?

Ҳеч ким унга жавоб бермайди. Сатин билан Актёр кириб келишади.

Актёр (бақириб). Ҳой, чол! Бу ёққа кел, содиқ Кентим...

Сатин. Миклухо-Маклай келяпти... х-хо!

Актёр. Иш тамом, вассалом! Чол, шаҳар қаерда... ўзинг қаердасан?

Сатин. Фата-морган! Чол сани тоза алдади... Ҳеч нима йўқ! Шаҳарлар ҳам йўқ, одамлар ҳам йўқ... ҳеч бало йўқ!

Актёр. Ёлгон гапинг!

Татарин (сапчиб туриб). Хўжайин қаёғда? Хўжайинга бориб айтаман. Уйқу йўқ — пул олмасга керак... ўликлар... пиянисталар... (Тез чиқиб кетади. Сатин орқасидан ҳуштак чалиб қолади.)

Бубнов (*уйқулик овоз билан*). Етинг, йигитлар, тў-
полон қилманглар. . . кечаси — ухлаш керак!

Актёр. Ҳа. . . шундай, ҳа! Ўлик. . . «Тўрмизга илин-
мишди. . . ўлик». . . шеър. . . Б-беранжерники!

Сатин (*бақиради*). Ўликларнинг қулоғи йўқ! Ўлик-
ларнинг сезгиси йўқ. . . Бақирасанми. . . бўқирасанми. . .
барибир ўликлар эшитмайди! . .

Эшик олдида *Лука* кўринади.

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

«Майдон» — ҳар хил ташландиқ, ахлат уйилиб, ёввойи ўт ўсиб
ётган ҳовлидай жой. Ҳовлининг тўрида ғиштдан қурилган баланд
брандмауер. Брандмауер осмонни тўсиб ётибди. Унинг ёнида тўп-
тўп қарақат. Унг томонда — қандайдир бир иморат — саройми, от-
хонанинг қоп-қора, ёғоч девори кўриниб туради. Чап томонда — Кос-
тилевларнинг туновхонаси жойлашган, уйнинг у ер-бу ери шувалган
бўз девори кўриниб туради. Туновхона қийғига тушган, шундайки,
орқа бурчаги ҳалиги «майдон»нинг қоқ ўртасида Туновхона билан
қизил девор ўртасида — тор йўлакча бор Бўз деворнинг икки дера-
заси бор: бири — ер билан бир текисда, яна бири ердан икки газча
баланд, ўзи ҳам брандмауерга яқин. Шу девор тагида тўнтариб қў-
йилган чаналар ва узунлиги тўрт газча келадиган йўғон ходалар
ётибди. Унг томонда, девор тагида — бир талай эски тахта, тўсин
ётибди. Кеч пайти, брандмауерга қизғиш нур сочиб қуёш боғчати
Илк баҳор, қор яқинда эриган. Қарақатнинг қора новдалари ҳали
куртак чиқарган эмас. Холада *Наташа* билан *Настя* ёнма-ён
ўтиришибди. Утин чанада *Лука* билан *Барон* ўтирибди. *Клешч*
ўнг томонда уюлиб ётган ўтин устида ағнаб ётибди. Ер билан бир
текис деразадан *Бубнов* нинг юзи кўриниб туради.

Настя (*кўзини юмиб, сўз оҳангига қараб бошини
чайқаб, худди алла айтгандай ниманидир ҳикоя қилаят-
ти*). Бир вақт кечаси боққа, беседкага кириб келди, биз
шу ерда учрашамиз, деб гаплашиб қўйган эдик. . . мен
бўлсам ушн аллақачондан буён кутиб, қўрққанимдан тит-
раб ўтирган эдим. Унинг ҳам бутун вужуди қалтирай-
ди — ранги ҳам бўрдай оқариб кетган, қўлига леворверт
ушлаб олган. . .

Наташа (*семичка чақиб ўтириб*). Қара-я! Студент-
лар жуда олов бўлишади, деб айтганлари рост эканда. . .

Настя. Овозлари ҳам аллама-бало даҳшатли: «Қим-
матли севгилим. . .» дейди.

Б у б н о в. Хо-хо! Қимматли, дейдими?

Б а р о н. Жим тур! Еқмаса — қулоқ солма, лекин бироннинг ёлғонига ҳам халақит берма... Хўш!

Н а с т я. «Кўзимнинг нури, суюклигим» дейди. Отанам сенга уйланишимга розилик беришмаяпти... сени яхши кўриб қолганим учун бутун умр оқпадар қилишмоқчи. Шундай бўлгандан кейин, дейди, менга жоннинг нима кераги бор...» Леворверти десанг, каттакон, ўн ўқ билан ўқланган... «Алвидо, дейди, жигар бағрим, азизим! — қароримдан қайтмайман... сенисиз ҳеч ҳам туролмайман». Шундай деганидан кейин мен унга: «Унутилмас йўлдошим... Рауль...» деб жавоб қайтардим.

Б у б н о в (ҳайрон қолиб). Нима дединг? Нима? Краул, дедингми?

Б а р о н (хохолаб кулади). Настенька! Ахир... ахир, ўтган сафар — Гастон эди-ку!

Н а с т я (сапчиб туриб). Жим бўлинглар... бахти қаролар! Дайди кучуклар! Сиз... сиззи муҳаббат деган нарсага ақлингиз етармиди? Чин муҳаббатга! Мен бўлсам... чин муҳаббат сезганман. (Баронга.) Ҳой, сан! Розолат уяси!.. Уқимишли одам... ётган жойимда кофе ичардим дейсан...

Л у к а. Сиз, жим туринг! Халақит берманг! Одам деганни ҳурмат қилинг... гап — гапда эмас, гап — гап ни мадалигида, гап ана шунда! Қизча, гапиравер, майли!

Б у б н о в. Қани, қарға, қанотларингга... бўёқ сурка!

Б а р о н. Хўш, у ёғи?

Н а т а ш а. Уларнинг гапига қулоқ солма... улар ўзи ким бўпти? Ичи қораликдан қилишяпти... ўзларининг гапирадиган ҳеч нималари йўқ-да...

Н а с т я (яна ўтиради). Гапиргим йўқ энди! Гапирмайман... ишонишмагандан кейин... кулишгандан кейин... (Бирдан гапини тўхтатиб, бир неча секунд жим қолади-да, яна кўзини юмиб, овозини баланд қилиб гап оҳангига қараб ва худди узоқдан келаётган музика товушига қулоқ солаётгандай, қўлларини чайқаб ўтириб гапини давом эттиради.) Мен унга жавобан: «Жондан азизим! Кўзимнинг нури! Ман ҳам сансиз бу дунёда туришим асло мумкин эмас... сани жонимдан ҳам ортиқ кўриб қолдим, то юрагим уришдан тўхтагунча севаман ҳам! Лекин, дедим, ёш жонингга зомин бўлма... Отананиннинг ёлғиз фарзандисан, биттаю-битта овунчоқларисан... мenden кечиб қўя қол! дедим. Сани соғина-соғина»

на... мен жонимдан айрилиб қўя қолай, жоним... ман — ёлғизман... шундақаман! Яхшиси, ман... ҳалок бўлиб кета қолай, барибир! Ман кимга керагим бор... манга ҳам ҳеч нима... ҳеч нима...» (*Юзини қўли билан беркитиб, унсиз йиғлайди.*)

Н а т а ш а (*юзини бошиқа томонга ўгириб, секин*). Йиғлама... қўй, йиғлама!

Л у к а илжайиб Н а с т я н и н г бошини силайди.

Б у б н о в (*хохолаб кулади*). Ҳа... шайтон қиз! қара-я?

Б а р о н (*у ҳам кулади*). Отахон! Сан буни бўлган гап деб ўйлаяпсанми? Ҳаммаси «Машъум муҳаббат» деган китобдан... Ҳаммаси беҳуда гап! Қўйсанг-чи уни!..

Н а т а ш а. Сенга нима? Худо жонингни олгандан кейин... жим юравер... .

Н а с т я (*дарғазаб бўлиб*). Расвойи олам! Одамларнинг пучаги! Сенда дард нима қилиб юрибди?

Л у к а (*Настяни қўлидан ушлаб*). Юр кетамиз, оппоқ қизим! қўявер... хафа бўлма! Ман — биламан... ман — ишонаман! Сани гапинг тўғри, уларники эмас... Ўзинг ишониб, чин муҳаббат сезган бўлсанг... демак — бўлган! Бўлган! Ундан, ҳамхонангдан хафа бўлма... у... ростданам, ичи куйиб, кулятгандир... унда, эҳтимол, чинакам севги буткул бўлмаган бўлиши мумкин... ҳеч нима кўрмаган! Юр, қизим!..

Н а с т я (*қўлларини кўксига қаттиқ босиб*). Буважон! Худо урсин... бўлган! Ҳаммаси рост!.. У студент... француз эди... оти Гастоша эди... қоп-қора соқолчаси бор эди... амиркон этик кийиб юрарди... ёлғон гапирсам тил тортмай! Мени бирам яхши кўрардики, асти қўяверасиз!

Л у к а. Биламан! Ҳечқиси йўқ! Ишониб турибман! Амиркон этик кийиб юрарди, дедингми? А-яй-ай! Сен ҳам уни яхши кўрардингми?

Муйилишдан нари чиқиб кетишади.

Б а р о н. Жуда ҳам аҳмоқ қиз-да... ўзи юмшоқ кўнгил-у, лекин... жуда ҳам аҳмоқ!

Б у б н о в. Нимага бу... одам боласи ёлғонни яхши кўраркан? Ҳамма вақт — худди терговчининг олдида тургандай... рост!

Наташа. Ёлгон гапириб... ҳақиқатдан кўра кўпроқ ҳузур қилсанг керак... мен ҳам...

Барон. Мен ҳам — деганинг нимаси? Хўш, у ёғи-чи?!

Наташа. Гап ўйлаб... топаман-у, кутиб тураман..

Барон. Нимани?

Наташа (*уялганидан кулиб*). Ҳзим... эртага, биронтаси, кимдир... ажойиб одам... келади, деб ўйлаб ўтираман... Ё бўлмаса — бирон иш бўлади... бўлганда ҳам унча-мунча иш эмас... узоқ-узоқ вақтларгача кутиб юраман... ҳамиша, кутиб юраман... бўлмаса... аслида— нимани кутиш мумкин?

Пауза.

Барон (*илжайиб туриб*). Нимани ҳам кутардинг... Мен ҳеч нима кутмайман! Ҳамма бўладигани... бўлган! ўтиб кетди... тамом!.. Хўш!

Наташа. У ёғи шуки... эртага... тўсатдан ўлиб қоламан, деб хаёл суриб ўтираман... Шундай деб ўтираману, юрагим шув этиб кетади... ёзда ўлимни хаёл қилиб ўтириш яхши... момақалди роқ ёзда бўлади... момақалди роқ бир кунмас бир кун ўлдириши мумкин...

Барон. Кўрган кунинг қурсин... бу опангинг... феъли иблисдан беш баттар!

Наташа. Кимми кунни яхши экан? Ҳамманики ҳам ёмон... кўриб турибман-ку...

Клешч (*шу дамгача қимир этмай, данг қотиб ўтирган эди, бирдан сакраб туриб*). Ҳамманики дейсанми? Бекор айғибсан! Ҳамманики эмас! Ҳамманики бўлса... майлийдику-я! Унда — алам қилмасди... ҳа!

Бубнов. Санга нима бало — шайтон сузиб олдимми? Буни қара... ўкириб юборди-я!

Клешч яна ўрнига ётиб, мингир-мингир вайсайди.

Барон. Э... бориб Настенька билан ярашиб олмасам бўлмайди... ярашиб олмасам — ичкилигимга пул бермайди...

Бубнов. Ҳм... Одам боласи ёлгонни яхши кўради... Ҳа, Настьканинг йўли бошқа! У юз-кўзини бўяб юриб ўрганиб қолган... энди кўнглини ҳам бўяб олмоқчи... дилига қизил югуртириб олмоқчи... Бошқаларга-чи, уларга нима кераги бор? Мана — Лукани мисол келтирса бўлади... жуда кўп ёлгон гапиради... бундан ўзига ҳеч наф йўқ... Ҳзи қари чол... ёлгоннинг унга нима кераги бор?

Барон (*кулиб, нарироқ кетади*). Ҳамма одамларнинг юраги анчаики... ҳаммаси қизил югуртириб олгиси келади...

Лука (*муйилишдан чиқиб келиб*). Сан, барин, нега қизни ўз ҳолига қўймайсан? Жонига тегмасанг бўларди... қўявер... йиғлаб-овуниб юраверсин... Ахир, у кўз ёши тўкиб, шу билан ўзини овутиб юрибди... санга нима зарари бор?

Барон. Бетамизлик, чол! Жонга ҳам тегиб кетди... бу кун Рауль деса, эртага — Гастон дейди... уззукун бўлгани шу! Айтмоқчи, бориб ярашиб олмасам бўлмайди... (*Чиқиб кетади.*)

Лука. Боргин-да... эркалагин! Одам боласининг бош-кўзини силаш ҳеч зарар эмас...

Наташа. Отахон дейман, раҳмдил экансиз... Нега бундақа раҳмдилсиз?

Лука. Раҳмдил, дейсанми? Ҳа... майли, шундай бўлса... хўб бўпти! (*қизил девор орқасидан секин гармоника ва ашула овози эшитилади.*) Оппоқ қизим, ахир бирон раҳмдил одам ҳам бўлиши керак-да... одамларга раҳм қилиш керак! Исо пайғамбар ҳаммага раҳм қилган, бизга ҳам раҳмдил бўлинглар деб васият қилган... ман санга айтсам, одам боласига вақтида раҳм қилсанг... яхши бўлади! Ман санга айтсам, бир дачада қоровуллик қилардим... Томск шаҳри ёнида, бир инженерникида... Бунисини қўёвер! Дачаси ўрмонда эди, хилват жой эди... қиш кезлари эди, дачада ёлғиз турардим... жуда яхши — маза эди! Бир кун қулоқ солиб турсам — киришяпти!

Наташа. Ўғриларми?

Лука. Ҳа, кириб келишяпти, ҳа!.. Қўлимга милтиқ олиб, чиқдим... Қарасам, икки киши... ойнани очишяпти, ўз-ўзлари билан бўлиб, мани кўришмади ҳам. Ман уларга: ҳа, муттаҳам ўғрилар, йўқолинглар!.. деб бақирган эдим... қарасам, тепамга болта кўтариб келишяпти... Ман уларга милтиқ ўхталиб, тўхтанглар!.. Бўлмаса — отаман!.. — дедим. Милтиқни гоҳ бири, гоҳ иккинчисига ўхталдим. Улар тиз чўкиб қўйвор! — деб ялинишди. Ман, уларни болта кўтарганига жаҳлим чиққан эди-да. Сан жин ургурларни кет, девдим, кетмовдиларинг... энди, икковингдан бировинг таёқ синдириб кел! — дедим. Синдириб келишди. Энди, дедим, биринг ерга ёт, биринг ур! — дедим. Шундай қилиб, буйруғим билан бир-бирини тоза боблаб уришди. Бир-бирини калтаклаб бўлганидан ке-

йини... манга, жон ота, худо хайрингни берсин, бизга нон-пон бер! деб қолишди Оч бўримиз, дейишди. Мана кўрдингми, бу ўғриларни, жонгинам... (кулади)... яна болта кўтаришганини айтмайсанми! Иккови ҳам... яхши одам экан... уларга, жин ургурлар, тўғри келиб нон сўрасаларинг бўлмасмиди, десам, улар — сўраш ҳам жонимизга тегиб кетди, дейишди... сўрашга сўрайсанку-я, лекин ҳеч ким ҳеч нима бермагандан кейин... хўрлигинг келаркан!.. Шундай қилиб, улар меникида қишлаб чиқишди. Биттаси — оти Степан, милтигимни олиб ўрмонга кириб кетарди... Яна бири — Яков дегани — касалдан чиқмади, йўталгани йўталган эди... учаламиз бир бўлиб дачани қўриқлаб чиқдик. Баҳор келган эди — хайр энди, отахон, дейишди-ю, йўлга чиқиб кетишди... Россияни кезгани кетишди...

Н а т а ш а. Қочоқлар эканми? Қаторгадан қайтишган экапми?

Л у к а. Ҳа, шундай, қочоқлар экан... Сургун жойидан қочишган экан... Ажойиб мужиклар эди! Агар ман уларга раҳм қилмасам, балки, ўзимни ўлдиришармиди... ёки бошқа бирон шикаст етказишарди... Кейин ишлари судга тушиб, турмага тушишарди, Сибирга сургун қилинишарди... нима фойда? Турма кишини яхшиликка ўргатмайди, Сибирь ҳам ўргатмайди... одам боласи ўргатиши мумкин, ҳа! Одам боласи яхшиликка ўргатиши мумкин... бундан осони йўқ!

Пауза

Б у б н о в. Ҳм..! Мана, ман — ёлғон гапиршиш... қўлимдан келмайди! Нима кераги бор? Назаримда — ҳақиқат қанақа бўлса ҳам, ростини сўзлай бериш керак! Нимасидан уялади?

К л е ш ч (яна бирдан куйиб қолган одамдай ёрнидан сакраб туриб, бақиради). Қанақа — ҳақиқат? Қани — ўша ҳақиқат? (устигаги жулдур кийимларини қўли билан титиб қўяди.) Мана санга, керак бўлса ҳақиқат! Иш йўқ... мадор йўқ! Мана — ҳақиқат! Бош пана... бош пананг йўқ! Итдай жон беришинг керак... ана, ҳақиқат! Падарига лаънат! Бу ҳақиқатингни манга нима кераги бор? Яйраб нафас олишга қўйгин... нафас олишга қўйиб бергин! Мани нима гуноҳим бор?.. Ҳақиқатингни нима қиламан? Тирикчилик, падарига лаънат... тирикчилик қилиб бўлмай қолди... ҳақиқат деб шуни айтади!..

Бубнов. Ана холос, кесакдан ўт чиқди-ку! . .

Лука. Э, худо. . . эшитсанг-чи, парвардигор! Сан. . .

Клешч (*ғазабидан титраб*). Бу ерда сизлар — ҳақиқат дейсизлар! Сан, чол, ҳаммага тасалли беряпсан. . . Ман санга айтсам. . . ҳаммаларингни ҳам кўрарга кўзим йўқ! Бу ҳақиқатингга ҳам. . . бу аблаҳ ҳақиқатингга ҳам минг лаънат! Тушундингни? Библи қўй! Минг лаънат унга! (*Ени-верига қараб қўйиб, бурчакка югуриб боради.*)

Лука. Ай-яй-ай! Бу мунчаям жонсарак бўлиб қолди. . . Қаёққа югуриб кетдикин?

Наташа. Худди эсини еб қўйганга ўхшайди. . .

Бубнов. Жуда ғалати иш бўлди-ку! Худди театрда ўйнагандай. . . Шунақа ҳодисалар ҳам тез-тез бўлиб туради. . . Ҳали турмуш икир-чикирига кўникмаган-да. . .

Пепел (*секин бурчакдан чиқиб келиб*). Ҳалол ошно-оғайнилар! Ҳа, Лука, муғомбир чол, ҳали ҳам ҳикоя қил-япсанми?

Лука. Бу ерда ҳалиги. . . одамми қичқирганини кўрсанг бўларди!

Пепел. Қим, Клешчми? Нима бўпти унга? Худди оёғи куйгандай югуриб кетяпти. . .

Лука. Агар. . . юрагингга бориб текса борми, сан ҳам югуриб қоласан. . .

Пепел (*ўтиради*). Жиним ёқтирмайди уни. . . жуда ҳам серзарда, яна димоғини айтмайсанми. (*Клешчни масхара қилиб.*) «Ман ишчи одамман». Худди бошқалар ундан пастдай. . . Кўнглингга ёқса — ишлайвер, бунинг нима кеккайдиган ери бор? Агар одамларга ишига қараб баҳо берадиган бўлса. . . от ҳар қандай одамдан афзал эканда. . . юкини тортиб юраверади, гинг демайди! Наташа! Опаларинг уйдаими?

Наташа. Мозорга кетишди, упдан черковга боришмоқчи эди. . .

Пепел. Ўзим ҳам айтувдим-а, бўш ўтирибсан деб. . . камдан-кам бўладиган ҳодиса!

Лука (*ўйланиб туриб, Бубновга*). Мана. . . сан — ҳақиқат. . . дейсан. . . Бу, ҳақиқат деганинг — ҳамма вақт ҳам одам боласига малҳам бўлавермайди. . . кишининг юрагини ҳамма вақт ҳам ҳақиқат билан даволаб бўлмайди. . . мана бундай бир воқиа бўлган эди: бир одамни билардим, ҳақ ер бор деб ишониб юардим. . .

Бубнов. Нима деб дединг?

Лука. Ҳақ ер бор деб. Ахир, дунёда ҳақ ер бор бў-

лиши керак. . . у ердаги одамлар алоҳида, яхши одамлар! Улар бир-бирини ҳурмат қилади, бир-бирига шунчаки, беғараз ёрдам қилишади. . . уларнинг ҳамма иши жуда яхши — ажойиб! — деб юрарди. Шу одам доим. . . ана ўша ҳақ ерни қидириб топмоқчи бўлиб юрарди. Ўзи камбағал, турмуши ночор эди. . . Жуда қийналиб кетиб, ўлмига ҳам рози бўлганида, ҳеч бўш келмай, нуқул кулиб: «Майли! Сабр қиламан! Яна бир оз сабр қилиб юрману. . . кейин бутун бу кўриб турган турмушимни бас қилиб, ҳақ ерни ахтариб кетаман. . .» дерди. Унинг биттаю-битта ўзини овутиб юрган нарсаси — шу ҳақ ер эди. . .

Пепел. Хўш? Қидириб кетдими?

Бубнов. Қаёққа борарди? Хо-хо!

Лука. Ўша жойига — бу воқиа Сибирда бўлган эди — бир олимни сургун қилиб юборишган экан. . . У китобу планларини кўтариб келиб қолди, ҳалиги олим, яна алланима балолари ҳам бор экан. . . Ҳалиги одам олимнинг ёнига бориб: «Манга раҳм қилиб, шу ҳақ ер қаердалигини айтиб берсанг, у ерга қайси йўлдан борилади?» деб илтимос қилиб қолди. Бу олим дарров китобини очиб, планларини ёзиб. . . у ёқ-бу ёқларни қидириб қараса — ҳеч қаерда ҳақ ер йўқ! Ҳаммаси тўғри, ҳамма ерлар кўрсатилгану, ҳақ ер йўқ! . .

Пепел (секин). Йўғ-э? Йўқ эканми?

Бубнов хоҳлаб кулади.

Наташа. Сан жим тургин. . . хўш, отахон?

Лука. Ҳалиги одам — ишонмади. . . Бўлиши керак. . . яхшироқ қидириб кўр! — деди. Бўлмаса, агар ҳақ ер бўлмаса, китобу планларининг нима маънисини қолди, деди. . . Олимнинг кўнглига қаттиқ тегди. Планларим жуда тўғри, деди олим, лекин ҳеч қаерда ҳақ ер йўқ. Шундан кейин ҳалиги одамнинг ҳам жаҳли чиқиб кетди — бу нимасини бўлди? Шунча умр кўрдим, шунча сабр қилиб келдим, ҳамма вақт — бор! — деб ишониб келдим. Энди планга қараганда маълум бўлади. Йўқ экан! Бу — товламачилик-ку! . . Шундай деб туриб, олимга: «Ху, сан. . . аблаҳини! Сан олим эмассан, аблаҳсан. . .» деди. Қулоғи тагига бир тушурди! Яна бирни солди! . . (Жим туриб.) Шундан кейин уйига қайтиб келиб ўзини-ўзи ўлдирибди! . . Ҳамма жим қолади, Лука илжайиб, Пепел билан Наташага қараб қўяди.

Пепел (секин). Ҳа, лаънати. . . жуда қизиқ гап экан-ку. . .

Наташа. Елгонга чидаёлмабди...
Бубнов (қовоғи солиқ). Ҳаммаси — чўпчак...
Пепел. Ана... маълум бўлдики... ҳақ ер ҳам йўқ экан-да...

Наташа. Одамга ... кишининг юраги ачийди...
Бубнов. Ҳаммаси тўқилган гап... шу ҳам гап бўлди-ю! Хо-хо! Ҳақ ер! Ман ҳам ўша ёққа! Хо-хо-хо! (Деразадан йўқ бўлиб кетади.)

Лука (Бубновнинг деразасига имо қилиб). Куляпти! Эхе-хе... (Пауза.) Ишқилиб, йигитлар!.. бой-бадавлат бўлинглар! Тез кунда ман ҳам йўлга чиқиб қоламан...

Пепел. Энди қаёққа?

Лука. Хохолларнинг юртига... эшитсам,— янги бир дин яратишганмиш... бориб кўриш керак... Ҳа!.. Одам боласи қачон қарасанг қидиргани қидирган, ҳамманинг тилаги — яхшироқ бўлсин дейишади... парвардигор, ишқилиб уларга сабр ато қил!

Пепел. Нима деб ўйлайсан... топишармикин?

Лука. Одам боласими? Топишади! Қидирган топмасдан кўймайди... Қаттиқ аҳд қилган — топади!

Наташа. Илоҳим, бирон нарса топишсину... бирон яхши нарса ўйлаб чиқаришсин...

Лука. Одам боласи ўйлаб топади! Лекин уларга ёрдам керак, қизгинам... ҳурмат лозим...

Наташа. Қўлимдан нима ёрдам келарди? Ўзим... ёрдамга муҳтожману...

Пепел (қатъий қилиб)... Яна ўзим гаплашаман сан билан... Наташа... мана юзи-кўзи... бу одам ҳамма нарса билди... Юр... ман билан!

Наташа. Қаёққа? Турмадан турмагами?

Пепел. Айтдимку ўғрилигимни ташлайман деб! Худо урсин агар — ташлайман! Айтдимми, бўлди, қиламан! Хат-саводим бор... ишлайман... Мана, айтяптику, Сибирга ўз ихтиёринг билан боришинг керак, дейди... Уша томонга кетамиз, хўбми?.. Шу кунларим жонимга тегмаган деб ўйлайсанми? Наташа! Биламан... кўзим ҳам етиб турибди!.. Бошқалар сандан кўпроқ ўғирлик қилишяпти-ю, лекин иззат-икром ичида кун кўришлпти... деб ўзимни ўзим алдаб келяпман... лекин бундан манга фойда йўқ! Муддаом... бу эмас! Ман тавбамга таянаётганим йўқ... виждон деган нарсага ишонмайман... Лекин ман бир нарса ни ҳис қилиб юрибман: бошқача... ҳаёт кечириш керак! Яхшироқ турмуш қуриш керак! Шундай

турмуш қуриш керакки. . . ўзингни ўзинг ҳурмат қилади-
ган бўгин. . .

Лука. Тўғри гапинг, чироғим! Худо ўзи мадоқкор бўлсин санга. . . Исо пайғамбар қўлласин! Тўғри гапинг: одам боласи ўзини ҳурмат қилиши керак. . .

Пепел. Ман — ёш чоғимдан ўғриман. . . ҳамма, ҳаммиша манга: Васька ўғри, ўғривачча Васька деб келган! Лаббай? Шундайми? Бас, шундай бўлгандан кейин, нима бўларди! Ўғри бўлдим олдим! . . Сан ўзинг бир ўйлаб кўргин: ман, балки, аламдан ўғри бўлгандурман. . . мани ҳеч ким ҳеч вақт бошқа ном билан аташни ўйлаб ҳам кўрмаганидан ўғри бўлиб кетгандурман. . . Наташа, қани сан бошқа ном билан атасангчи, а?

Наташа (ғамгин ҳолда). Ман, негадир, ҳеч қандай гапга ишонгим келмайди. . . Яна, бугун, нимагадир, юрагим ғаш бўлиб турибди. . . юрагим сиқилиб-сиқилиб қўйяпти. . . худди бирон нарсани кутиб тургандайман. Сан, Василий, бугун шу гапни бошлаб, чакки қилдинг. . .

Пепел. Бўлмаса, қачон? Биринчи гапиришим эмаску. . .

Наташа. Хўш, бўлмаса, ман сан билан кетайми? Ахир. . . яхши кўришга келганда. . . сани унча ёқтирмайман. . . баъзида ёқиб қоласан. . . баъзан аптингга қарагим ҳам келмай қолади. . . Сани яхши кўрмасам керакда. . . яхши кўрсанг севганингдан айб тополмайсан. . . ман бўлсам айб топиб тураман. . .

Пепел. Яхши кўриб ҳам қоларсан — кўрқма! Сани ўзимга ўргатиб оламан. . . сан рози бўлсанг бўлгани! Бир йилдан ҳам кўпроқ вақтдан буён санга разм солиб юрдим. . . қарасам, оғир. . . яхши қиз экансан. . . умид қилса бўладиган одам экансан. . . сани жуда яхши кўриб қолдим!..

Ясанган Василиса деразада пайдо бўлиб, ром олдида гап эшитиб туради.

Наташа. Шундай дегин. Мани яхши кўриб қолдинг, опамни-чи. . .

Пепел (уялиб). У, нима бўларди! . . Оз дейсанми бундақангилар. . .

Лука. Қизим, сан. . . ундақа дема! Нон бўлмаса, олабута ҳам нон. . . агарки нон бўлмаганидан кейин. . .

Пепел (қовоғи солиниб). Раҳминг келсин. . . манга! Турмушим ширин эмас. . . бўридай кун кўришнинг нима лаззати бор, дейсан. . . худди, ботқоққа ботиб кетаётганга

ўхшайман. . . нимани ушласам ҳаммаси — чириган. . . ҳаммаси — мўрт. . . опанг. . . ман ўйлаган эдим. . . у. . . бошқа дунё. . . Агар у. . . пулга ўч бўлмаганда — уни деб. . . ҳеч нарсадан қайтмасдим! . . . Агар у — бутунлай маники бўлганда эди. . . лекин, унга бошқа одам керак. . . дарди пул. . . бошини очиқ қилиб олиш пайида. . . бошини очиқ қилиб олса-ю, ундан кейин ялла қилиб юрса. Опангнинг манга ёрдами тегмайди. . . сан бўлсанг, бамисоли энди кўкарган арчадайсан — тиканинг ҳам бору, лекин тийиб олиш ҳам қўлингдан келади. . .

Лука. Мани ҳам гапимга кирсанг, шу билан бирга бўл, қизгинам, хўб дегин! Ўзи чакки йигит эмас, яхши одам! Сан фақат унга тез-тез ўзинг яхши йигитсанку, деб эсига тушириб тур, кимлигини эсидан чиқариб қўймасин! Сани гапингга ишонади. . . Сан унга: «Вася, ўзинг яхши одамсан. . . буни унутма!» деб турсанг бўлгани. Оппоқ қизим, ўзинг бир ўйлаб кўр, бундан бошқа қаёққа ҳам борардинг? Опанг, бамисоли бир йиртқич ҳайвондай. . . эрини гапирмаса ҳам бўлади; у чолни таърифлашга сўз ҳам топиб бўлмайди. . . хулласи, бу ердаги бутун турмушнинг ўзи-чи. . . сан қаёққа ҳам борардинг? Бу бўлса — ўзи забардаст йигит. . .

Наташа. Борадиган жойим йўқ. . . ўзим ҳам биламан. . . ўйлагандимки. . . Аммо лекин, шуниси борки. . . ман ҳеч кимга ишонмайман. . . Лекин борадиган жойим ҳам йўқ. . .

Пепел. Битта йўлинг бор. . . лекин бу йўлга киришингга ман қўймайман. . . Ундан кўра ўлдириб қўя қоламан. . .

Наташа (*илжайиб*). Ана кўрдингми. . . ҳали санга хотин бўлганим йўғу, ҳалитдан ўлдирмоқчи бўляпсан.

Пепел (*уни қучоқлаб*). Қўй, Наташа! Барибир! . .

Наташа (*унинг бағрига кириб*). Манга қара. . . Василий, санга айтадиган битта гапим бор. . . мана худонинг юзи-кўзи! — манга бир марта қўл кўтарсанг. . . ёки бирон марта хафа қилсанг борми. . . ўзимга ҳам раҳм қилиб ўтирмайман. . . ё ўзимни бўғиб ўлдираман, ё бўлмаса. . .

Пепел. Агар санга қўлимни тегизсам, қўлим шол бўлиб қола қолсин!

Лука. Ҳеч нима бўлмайди, шубҳа қилмай қўя қол, қизгинам! Ундан кўра, сан унга кўпроқ кераксан. . .

Василиса (*деразадан*). Ана, унашдинглар қўйдинглар! Бамаслаҳату тотувлик билан!

Наташа. Келиб қолишибди-ку!.. э, парвардигор! Кўриб қолишди-ку... эҳ, Василий!

Пепел. Нимадан кўрқасан? Энди санга биронтаси тегиб кўрсин-чи!

Василиса. Наталья, қўрқмай қўя қол! У, сани урмайди.. уришни ҳам билмайди, яхши кўриш ҳам қўлидан келмайди... ман биламан!

Лука (секин). Эҳ, аблаҳ хотин... заҳарли илон...

Василиса. У кўпроқ гапга олипта...

Костилев (чиқиб келади). Наташка! Текин томоқ, бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Гийбат тўқияпсанми? Опанг билан поччангни ёмон отлиғ қияпсанми? Самовар қўйганинг ҳам йўқдир? Овқат тайёрламагандирсан ҳам?

Наташа (кета туриб). Ахир, черковга бормоқчи эдингиз-ку...

Костилев. Нима қилмоқчи бўлган бўлсак, санинг ишинг эмас! Сан ўз ишингни бил... нима деб буюрган бўлсак, шуни қил!

Пепел. Тек тур, сан! Санга энди у хизматкор эмас... Наталья, борма, қилма ишини...

Наташа. Сан — амр қилма... ҳали эрта (Кетади.)

Пепел. (Костилевга). Бас, энди! Шунча хўрлаганингиз ҳам... етар! Энди у — маники!

Костилев. Са-ни-ки! Қачон сотволдинг? Қанчага?

Василиса хохолаб кулади.

Лука. Вася! Сан — чиқиб кетгин...

Пепел. Ҳой, манга қаранг... вақтичоғлар! Яна йиглаб қолманг!

Василиса. Вой ўлай! Жуда кўрқиб кетяпман!

Лука. Василий — кет бу ердан! Қара, сани гиж-гижлаяпти... жиғингга тегяпти... билдингми?

Пепел. Ҳа... бэ! Бекоргинани ебди... бекор айтибсан! Сан айтгандай бўлиб бўпти!

Василиса. Ман хоҳламаган нарса ҳам бўлмайди, Вася!

Пепел (унга муштини кўрсатиб). Кўрармиз... (Кетади.)

Василиса (дераза олдидан йўқолиб). Санга ҳали бир тўй қилиб берайки!

Костилев (Луканинг ёнига келиб). Нима гап, чол?

Лука. Ҳеч гап, чол!..

Костилев. Айтмоқчи... сани кетармиш дейишяпти-ми?

Лука. Энди кетсам ҳам бўлади...

Костилев. Йўл бўлсин?

Лука. Бошим оққан томонга...

Костилев. Саёқликками, дейман... Бир жойда туришни ёқтирмасанг керак, дейман?

Лука. Ётган тош остига сув ҳам кирмайди, дейишди...

Костилев. У — тош. Одам деган бир жойда умр кўриши керак... Одамларнинг худди суваракдай туриши яхши эмас... ким қаёққа хоҳласа — ўша ёққа судралиб кетаверадими... Одам деган ер юзида бекордан-бекорга судралиб юрмасдан... ўзини бир жойга муқим боғлаб қўйиши керак...

Лука. Одамга, ҳар ер ҳам жой бўлаверсачи?

Костилев. Демак, у — дайди одам... ундан фойда йўқ... одам дегандан бирон наф чиқиши керак... одам деган ишлани керак...

Лука. Йўғ-э!

Костилев. Ҳа, бўлмаса-чи?.. Дарвиш... Нима дегани? Ғалати одам... бошқаларга ўхшамайди... Агар борди-ю, у ростдан ҳам ғалати одам бўлса... бирон нарсани билса... ҳеч кимга кераги йўқ... бирон нарсани билиб олган бўлса, эҳтимол, чиндан ҳам бирон нарсани билган бўлиши мумкин... лекин ҳақиқатнинг ҳар қанақаси ҳам керак бўлавермайди... ҳа! У — билганини ичида сақлаб юраверсин... дамани чиқармасин! У росткам... дарвиш одам бўлса, дамани чиқармай юради! Ё бўлмаса, ҳеч ким тушунмайдиган қилиб гапиради. Унинг ҳеч қандай тилаги ҳам бўлмайди, ҳеч нимага аралашмайди ҳам, бекорга одамларнинг бошини айлантирмайди ҳам... Одамларнинг қандай туриши билан унинг нима иши бор... У ўзининг ҳақ йўлини билиб юраверсин... ўрмонларда... кулбаи вайроналарда... ҳеч кимнинг кўзига кўринмасдан юраверсин! Ҳеч кимга халақит ҳам бермасин, бировни ёмон отлиқ ҳам қилмасин... ҳамманинг дуои-жонини қилиб... эл-юртнинг, манинг ҳам, санинг ҳам... ҳамманинг ҳам гуноҳи учун тоат-ибодат қилиб юраверсин! Дарвиш деган... шу тоат-ибодат қилиш учун ҳам... бу дунё икир-чикирларидан ўзини четга тортиб юради... Одам деган бундоғ бўлади... (Пауза.) Сан-чи... ниманг дарвиш бўпти?.. Бошпуртнинг йўқ...

Яхши одамнинг ёнида бошпурти бўлади.., Ҳамма яхши одамларнинг бошпурти бор... ҳа!..

Лука. Одамлар бору, улардан бошқа яна, инсонлар ҳам бор...

Костилев. Сан... унақа донолик қилма! Топишмоқ айтмай қўя қол... мани сандан ақлим кам эмас... Бу нима деганинг — одам бору — инсон бор?

Лука. Нимаси топишмоқ? Ман айтаяпманки, экин экиб бўлмайдиган ер бору... ҳосилдор ер бор, деяпман... бундай ерга нима эксанг ҳам унум беради... Мана кўрдингми...

Костилев. Хўш? Бу нима деганинг бўлди?

Лука. Мана, мисол учун, сан... Агар санга худонинг ўзи: «Михайло! Инсон бўл!» деса ҳам, барибир ҳеч маъни чиқмайди... қандоғ бўлсанг, шундоғ қолаверасан...

Костилев. Йўғ-э... Ҳой, дейман... хотинимнинг тоғаси полицейский-я, биласанми? Агар ман...

Василиса (кириб келиб). Михайло Иванич, юр чойга.

Костилев (Лукага). Ҳой... менга қара: тур, йўқол! Квартирни бўшатиб қўй!..

Василиса. Ҳа, туёғингни шиқиллатиб қол, чол!.. Тилинг жуда ҳам узун экан... Қим билсиң?.. балки, ўзинг бирон қочоқдурсан...

Костилев. Шу бугуноқ қоранг ҳам кўринмасин! Бўлмаса ман... билиб қўй!

Лука. Тоғангни чақирасанми? Чақир, тоғангни,— қочоқни ушладим, дегин... Тоғанг... тўққиз пул мукофот ҳам олса ажаб эмас...

Бубнов (деразадан туриб). Нимани савдолашяпсизлар? Нима тўққиз пул?

Лука. Мени сотворамиз деб дўқ қилишяпти...

Василиса (эрига). Юр...

Бубнов. Тўққиз пулгами? Чол, эҳтиёт бўл... булар уч пулга сотиб юборадиганлардан...

Костилев (Бубновга). Ўзинг ҳам... худди печ тагидан чиққан ажинадай мунча кўзингни оқини кўрсатмасанг! (Хотини билан чиқиб кетади.)

Василиса. Дунёда ҳали, э-ҳа, қанча лодон бору, қанча муттаҳам!..

Лука. Еганингиз ош бўлсин!..

Василиса (қайрилиб қараб). Тилингни тий... сас-

сиқ қўзиқорин! (эри билан бурчакда кўздан ғойиб бўлиб кетишади.)

Лука. Бугун кечаси — кетаман. . .

Бубнов. Яхшиси — шу. Ҳамиша яхшиси вақтида жўнаб қолиш. . .

Лука. Тўғри айтасан. . .

Бубнов. Ман — биладан! Ўзим ҳам балки, вақтида жўнаб қолганим учун, каторгадан омон қолгандирман.

Лука. Йўғ-э!

Бубнов. Ростим. Воқиа бундай. Бир вақт қарасам, хотиним бир мўйнадўз билан дон олишиб қолибди. . . мўйнадўз-ку, ўзи яхши. . . ит терисини бўяб қундузга ўтказишга. . . мушук терисини ҳам кенгура мўйна қилиб ўтказишга жуда уста одам. Хуллас, олғур. Шу билан, қарасангиз, хотиним шунга илиниб қопти-ю. . . бир-бирига чунонам ёпишиб олишиптики, қараб турсам — ё манга заҳар ичиришадиган, ё бўлмаса бир амаллаб гумдон қилишадиган Хотинимни тутиб урган эдим. . . мўйнадўз ман билан ёқалашиб кетди. . . чунонам тутиб урдик! — бир гал соқолимнинг ярмини юлиб олиб, қовурғамни синдирди. — Ман ҳам бўганимча бўлдим дедиму. . . бир кун хотинимни бошига темир газ билан бир солдим. . . хуллас — қиришадиган бўлиб қолдик! Лекин қарасам — шундоғ юраверишимдан ҳеч нарса чиқмайди. . . тинкамни қуритишадиганга ўхшайди! Шундан кейин ўйлаб-ўйлаб — хотинимни. . . гумдон қилмоқчи бўлиб. . . қаттиқ аҳд қилиб қўйдим! Лекин вақтида эсимни йиғиб, бошимни олиб чиқиб кетдим. . .

Лука. Шундай қилганинг яхши! Уларни қўявер, ит терисидан қундуз қилишаверсин! . .

Бубнов. Фақат. . . устахона хотинимнинг номида эди. . . икки қўлим бир тепа бўлиб қолавердим, кўриб турибсан-ку! Тўғрисини айтсам, барибир устахонани ҳам ичиб тамом қилардим. . . кўрмаяпсанми, сурункасига ичиш одатим бор. . .

Лука. Сурункасига дейсанми? Э-э!

Бубнов. Бўлганда ҳам қандоғ дейсан? Бир ичишга тушдимми — ҳеч нимани аямайман, терим қолади, холос. . . Бунинг устига яна ўзим ҳам ялқовман. Иш деганни жуда ҳам ёмон кўраман! . .

Сатин билан Актёр бир нима тўғрисида тортишиб кириб келишади.

С а т и н. Бекор айтибсан! Ҳеч қаёққа кетмайсан... ҳаммаси бўлмаган гап! Ҳой, чол! Сан бунинг қулоғига нима балоларни қуйиб қўйдинг?

А к т ё р. Бекор айтибсан! Отахон! Бунга, бекор айтибсан, дегин. Кетаман дедим — кетаман! Бугун ман иш қилдим, кўча супурдим... лекин ароқ ичканим йўқ! Кўрдингми? Икки танга пулинг — мана, ўзим бўлса — ҳушёрман!

С а т и н. Бўлмаган гап, шу ҳам гап бўпти-ю! Бер манга, ман ичаман... бўлмаса — ютқизиб қўяман...

А к т ё р. Тур, йўқол! Бу — йўлимга!

Л у к а (Сатинга). Сан, нимага уни йўлдан оздирыпсан?

С а т и н. «Қани, айт-чи, фолбин, тангрилар севгилисиди,— пешонамга нималар ёзилмиш?». Оғайни, бор-йўғимни қиморга бой бериб бўлдим! Ҳали ҳам ғанимат, отахон,— дунёда мандан ҳам ақллироқ муттаҳамлар бор!

Л у к а. Пинагингни бузмайсан, Костянтин, соҳибжамол!

Б у б н о в. Актёр! Бу ёққа кел!

А к т ё р. Дераза ёнига келади-да, унинг олдида тиз чўкиб ўтиради. Шивирлаб гаплашишади.

С а т и н. Билсанг, оғайни, ёшлигимда... жуда аломат эдим! Жон деб эслаб қоламан!.. Йигитмисан — йигит... ўйинга уста эдим, саҳнага чиқиб ҳам ўйнаворардим, одамларни кулдиришни яхши кўрардим... ажойиб замонлар эди!

Л у к а. Бўлмаса, нима қилиб ўз йўлингдан тойиб кетдинг, а?

С а т и н. Сан чол, дейман — жуда синчков одан экансан! Ҳамма нарсани билиб олгинг келади-я... нима қиласан?

Л у к а. Одам боласининг ишларини билгинг келади... лекин санга ақлим етмаяпти! Ўзинг жуда ажойиб йигитсан... Костянтин... ақлинг ҳам жойида... лекин...

С а т и н. Турма, отахон! Тўрт йил-у етти ой турмада ўтириб чиққанман... турмадан чиққанымдан буён манга кун йўқ.

Л у к а. Эҳ-ҳе! Нимага турмага тушгандинг?

С а т и н. Бир аблаҳ касридан... жаҳл устида қоним қизиб бир аблаҳни ўлдириб қўйган эдим... Қарта ўйнашни ҳам турмада ўрганиб олдим...

Лука. Бирон хотинга талашиб ўлдиргандирсан-да?
С а т и н. Ўз туғишган синглимни деб... Лекин у ёғи билан ишинг бўлмасин! Гап суриштирган одамни хуш кўрмайман... Бўлганига ҳам аллақачон... синглим ҳам ўлиб кетган... тўққиз йил бўлади... Оғайни, санга айтсам, синглим жуда ҳам ажойиб одам эди!..

Лука. Турмуш икир-чикирларига тўзиминг дуруст экан! Боя бу ерда... темирчи чунонам бўкирдик... ҳай, ҳай, ҳай!

С а т и н. Клешчми?

Лука. Ҳа. «Иш йўқ... ҳеч нима йўқ!» деб бақирди.

С а т и н. Ўрганиб қолади... Нима қилиб ўзимни овутсам экан?

Лука (*секин*). Қара! Келяпти...

К л е ш ч бошини ерга эгиб секин-аста юриб келади.

С а т и н. Ҳой, тул қолган! Нима, бурнинг осилиб кетибди? Нима ўйлаб топмоқчисан?

К л е ш ч. Энди нима қиламан?.. деб ўйлаб юрибман. Асбобларимдан ҳам айрилиб қолдим... хотинимни кўман деб ҳаммасини сотиб бўлдим!

С а т и н. Ман санга айтсам: ҳеч нима қилма! Шундай ер чангитиб юравер!..

К л е ш ч. Бўпти... гапиравер... ман одамлардан уяламан...

С а т и н. Э, қўйсанг-чи! Итдан беш баттар кунингни кўриб одамлар уялмаяпти-ку... Ўзинг бир ўйлаб кўр, сан — ишламайсан, ман — ишламайман... яна юз... минглаб, ҳамма ишламайди! — билдингми? ҳамма иш ташлайди! Ҳеч ким, ҳеч нима қилгиси келмайди, кейин нима бўлади?

К л е ш ч. Ҳамма очдан ўлади...

Лука (*Сатинга*). Сан бу гапларингни бориб қочоқларга айтсанг бўларкан... Шунақа одамлар бор, уларни қочоқлар дейишади...

С а т и н. Биламан... улар — аҳмоқ одамлар эмас, бобой!

К о с т и л е в л а р н и н г д е р а з а с и д а н Н а т а ш а н и н г: «Нима қилдим? Шошма... нега урасан?» — деган қичқирғи эшитилади.

Лука (*Безовта бўлиб*). Наташами? Бақиряптими? а? Ҳу, санн...

Костилевлар квартирасидан шовқин-сурон, тўполон, синган идиш-говоқ товуши, Костилевнинг: «Ҳа-а... кофирвачча... юзи қора...» деган бақариқлари эшитилади.

Василиса. Тўхта, шошма... Узим уни... ма... ма...

Наташа. Дод! Улдиришади...

Сатин (деразага қараб бақиради). Ҳой! Ҳой, дейман!

Лука (нима қилишини билмай). Василийни, Васяни чақирса бўларди... э, худойим! Оғайнилар, ҳой йигитлар...

Актёр (югуриб кетаётиб). Мен... ҳозир уни...

Бубнов. Тез-тез урадиган бўлиб қолишди-я...

Сатин. Юр, чол... гувоҳ бўламиз!

Лука (Сатиннинг орқасидан кета туриб). Мани гувоҳлигим қаёққа борарди! Қўлимдан нима келарди... Василий тезроқ келсайди... Э-эхма!...

Наташа. Опа... опажон... Ва-а-а...

Бубнов. Оғзига бир нарса тиқишди... бориб қарайчи...

Костилевлар уйидаги шовқин босилади. Уйдан даҳлизга ўтишган бўлса керак Чолнинг: «Тўхта!» деган бақариғи эшитилади. Эшик тақ этиб ёпилади, шу билан бутун шовқин-тўпалон тўхтагандай бўлади. Саҳна жим. Қош қорайган пайт.

Клешч (ҳеч нимага парво қилмай, хода устида қўлини ишқалаб ўтиради. Кейин нималарнидир пичирлаб, аввал гапига тушуниб бўлмайди, кейин). Энди нима бўлади?.. Тирикчилик қилиш ҳам керак-ку... (Қаттиқ бақариб.) Бошпана керак-ку... хўш? Бошпана йўқ... ҳеч нима йўқ! Бир ўзим... сўққа бошим... ким манга қўлини чўзарди...

Секин бошини эгиб, чиқиб кетади. Бир неча дақиқа машғум сукунат чўкади Сўнгра қаердадир йўлакка эшитилар-эшитилмас шов-шув, бақариқ овозлар эшитилади. Бақариқ тобора яқинлашиб келади. Айрим кишиларнинг овози барала эшитилади.

Василиса. У манинг синглим! Қўйвор...

Костилев. Нима ҳаққинг бор?

Василиса. Уғри, муттаҳам...

Сатин. Васъкани чақир!.. тезроқ... Зоб!— ур уни!

Полицейский хуштаги.

Татарин (югуриб кириб келади. Унг қўли боғланган). Куппа-кундузи ўлдириш, бу нендий закон?

Кривой Зоб (*унинг кетидан, Медведев*). Ўзим ҳам, болаб бир тушурдим!

Медведев. Сан нима қилиб муштлашиб юрибсан?

Татарин. Сан-чи? Сенинг вазифагг нендий?

Медведев (*ҳаммолнинг кетидан югуриб*). Тўхта! Хуштакни бу ёққа бер. . .

Костилев (*югуриб чиқиб*). Абрам! Тут. . . ўша уни! Ўлдириб қўйди. . .

Бурчакдан Квашня билан Настя чиқиб келишади. Улар сочлари тўзиб кетган Наташани қўлтиғидан ушлаб олишган. Сатин Василисани итариб ташлаб орқасига тисарилади, Василиса қўлини кўтариб сингисини урмоқчи бўлади. Унинг ёнида Алешка, худди жиннидай сакраб юради, қулоғига хуштак чалади, бақиради, вой солади. Кейин яна бир қанча жулдур-жулдур кийинган эркак ва хотинлар кириб келишади.

Сатин (*Василисага*). Қаёққа? Лаънати бойқуш. . .

Василиса. Наритур, муттаҳам ўғри! Жонимдан кечсам кечаманки, дабдала қиламан. . .

Квашня (*Наташани нарироққа олиб бориб*). Сан, Карповнага жин урдими. . . уялгин! Нимага жазавагг тутиб қолди?

Медведев (*Сатинга ёпишиб*). А-ҳа, қўлимга тушдинг-ку!

Сатин. Зоб! Ур буларни. . . Васька. . . Васька! . .

Ҳаммалари йўлак олдида, қизил девор ёнида тўпланишади. Наташани ўнг томонга олиб чиқиб кетишиб, уюлиб ётган ёғоч устига ўтирғизишади.

Пепел (*тор йўлакдан югуриб чиқиб, индамасдан ҳамманц елкаси билан у ёқ-бу ёққа суриб*). Қани — Наталья? Сани. . .

Костилев (*Бурчакка яшириниб*). Абрам! Ўша. . . Васькани. . . огайнилар. . . Васькани ушлашинг! Ўғрини. . . босқинчини. . .

Пепел. Ҳа, сан. . . қари қанжиқ! (*Қўлини кўтариб, чолни бир солади. Чол шундай ағдарилиб тушадики, бурчакдан унинг фақат белидан юқориси кўриниб туради. Пепел Наташанинг ёнига югуриб кетади.*)

Василиса. Уринглар, Васькани! Худо хайр бергурлар. . . уринглар ўғрини!

Медведев (*Сатинга бақириб*). Ҳаққинг йўқ. . . бу — ўзлик ўзининг иши! Ўзлик-ўзи уришяпти. . . сан ким бўлдинг?

Пепел. А... нима билан урди сани? Пичоқ билан? Квашня. Қара бу ҳайвонларни! Қиз бечоранинг оёғига қайноқ сув қуйиб юборишибди-я...

Настя. Самоварни ағдариб юборишибди...

Татарин. Балки, бехосдандир... аввал суришти-
рарға керак... билмича гапирирға керакмий...

Наташа (*ҳушидан кетар ҳолида*). Василий... олиб кет мани... ўз қўлинг билан кўм...

Василиса. Вой, ўлмасам! Бунга қаранг... бунга кўринг... ўлибди! Улдиришди...

Ҳамма йўлакка, Костиленнинг ёнига келиб тўпланади. Одамлар орасидан Бубнов чиқиб, Василисанинг ёнига келади.

Бубнов (*секин*). Васька! Чол... бўладигани бўлибди-ку!

Пепел (*гапига тушунмагандай, унга қараб қўяди*). Бор... чақир... касалхонага олиб бориш керак... хўб, ҳали ман улар билан яна ҳисоблашиб қўяман!

Бубнов. Санга айтяпман — чолни биров гумдон қилибди-ку...

Худди оловга сув қуйгандай, саҳнада шовқин-сурон тўхтади, эшитилар-эшитилмас: «Йўғ-э?», «Ана холос!», «Қўй-э?», «Оғайни, жўнаб қолганимиз маъқул!», «Эҳ, иблис!», «Энди, ҳазир бўл!», «Полиция келмасдан жўнаб қол!» деган айрим овозлар эшитилади. Одам секин-секин озайиб қолади. Бубнов, Татарин чиқиб кетишади. Настя билан Квашня Костиленнинг мурдаси ётган жойга ўзларини отишади.

Василиса (*ётган еридан туриб, хурсанд бўлгандай бақириб*). Улдиришди! Эримни ўлдиришди... мана бу ўлдирди! Васька ўлдирди! Ўз кўзим билан кўрдим! Халойиқ, ўз кўзим билан кўрдим! Қани, Вася? Полиция!

Пепел (*Наташадан нари кетиб*). Қўйвор... йўқол! (*Чолга қарайди. Василисага.*) Қалай? хурсандмисан? (*Мурдани оёғи билан туртиб қўяди.*) Жон берибди... қари ит! Кўнглингадайдан иш бўпти... Шу дейман... сани ҳам овозингни ўчириб қўя қолайми? (*Василисага ҳамла қилади: Сатин билан Кривой Зоб дарҳол унинг қўлидан ушлаб қолишади. Василиса йўлакка кириб кетади.*)

Сатин Жинни бўлдингми?

Кривой Зоб. Тпрру! Қаёққа қочасан?

Василиса (*кириб келиб*). Қалай, Вася, суюкли дўстим? Тақдирдан қочиб қутулолмайсан... Полиция! Абрам... чал ҳуштагингни!

Медведев. Ҳуштагимни тортиб олишди, жин ургурлар...

А л ё ш к а. Мана ҳуштагинг! (*ҳуштак чалади. Медведев унинг кетидан қувиб кетади.*)

С а т и н (*Пепелни Наташанинг ёнига олиб бориб*). Васька — қўрқоқлик қилма! Муштлашганда одам ўлдириш... ҳеч гапмас! Унча қимматга тушмайди...

В а с и л и с а. Ушланг Васькани! Шу ўлдирди... ўз кўзим билан кўрдим!

С а т и н. Ман ҳам чолни уч-тўрт мушт туширдим... Нима жони бор дейсан? Васька, мани гувоҳликка чақир...

П е п е л. Ман... ўзимни оқлаб нима ҳам қилардим... Василисани оёғидан тортишим керак... тортишим турган гап! Нияти шу эди... Эримни ўлдир, деб мани йўлдан уриб юрган эди... йўлдан уриб юрганди!...

Н а т а ш а (*бирдан, бақириб*). Э-э... энди тушундим!.. Василий шундоғ дегин?! Ҳой тоғажонлар! Буларнинг тили бир экан! Опам билан у... тиллари бир экан! Атайи шундай қилишибди... Шундайми, Василий?... Сан... шу вайдан ҳам кеча ман билан гаплашган экансан-да... ҳаммасини опаси эшитсин деб? Жон, халойиқ! Опам— унинг ўйнаши бўлади... ўзингиз ҳам биласиз... буни — ҳамма билади... тиллари бир экан! Уни... опам йўлга солган экан, эримни ўлдир деб... эри уларнинг йўлини тўсиб турган эди... ман ҳам тўсиб турувдим... қаранг— мани ҳам майиб қилишди...

П е п е л. Наталья! Нима деяпсан ўзинг... санга нима бўлди!

С а т и н. Оббо... бу нима бало!

В а с и л и с а. Бекор айтибсан! Гапи ёлғон... ман... мана бу — Васька, ўлдирди!

Н а т а ш а. Уларнинг тили бир! Минг лаънат санларга! Сиз икковларинг...

С а т и н. Ана машмаша-ю, мана машмаша! Василий, энди ўзингга ҳазир бўл! Булар бошингга етишади!..

К р и в о й З о б. Ҳеч нарсага ақлим етмай қолди!... Бунақа ишлар... бўлар экану!

П е п е л. Наталья! Наҳотки сан... ростингми? Наҳотки — мани... у билан деб ўйласанг?

С а т и н. Худо ҳақи, Наташа, сан... бир танангга ўйлаб кўр!

В а с и л и с а (*йўлакда*). Эримни ўлдириб қўйишди... жаноб олийлари... Васька Пепел, ўғри... шу ўлдирди...

жаноб пристав! Ўзим кўрдим... ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим...

Н а т а ш а (*бамисоли ҳушсиз одамдай талпинади*).
Жон тоғалар... опам билан Васька иккови ўлдиришди! Полиция манга қара... мана бу, мани опам... ўйнашига... мана бу лаънатига айтиб... уни йўлдан уриб — иккови ўлдиришди! Икковини ҳам қамоққа олиб... суд қилинг... Мани ҳам қаманг... мани ҳам турмага солинг! Худо хайр берсин... мани ҳам турмага олиб кетинг!..

П а р д а

Т У Р Т И Н Ч И П А Р Д А

Биринчи парда кўриниши. Лекин, Пепелнинг ҳужраси йўқ, деворлари бузиб ташланган. Клешч ўтирган жойда сандон ҳам йўқ. Бурчакда, Пепелнинг ҳужраси ўрнида Татарин ётиб нимадир қияпти ва баъзи-баъзида инграб қўяди. Стол ёнида Клешч ўтирибди; у гармонь тузатяпти, баъзан чалиб қўяди. Столнинг нариги томонида С а т и н, Б а р о н ва Н а с т я ўтиришибди. Олдиларида бир шиша ароқ, уч шиша пиво, катта бир бўлак қора нон. Печнинг устида А к т ё р имирсилаб, йўталиб ётибди Тун пайти Уйга столнинг ўртасидаги лампадан ёруғ тушиб турибди. Эшикда шамол туряпти.

К л е ш ч. Ҳа-а... ўзи ўша тўс-тўполон вақтида йўқолиб қолди...

Б а р о н. Полициядан қочди... худди оловдан тарқалиб кетган тутундай...

С а т и н. Гуноҳкорлар ҳам тақводорлар кўзидан худди шундай ғойиб бўлишади!

Н а с т я. Ўзи жуда бамаъни чол эди!.. Сизларчи... сизлар ҳам одамми... сизлар — бамисоли занг!

Б а р о н (*ичади*). Хоним, сизнинг соғлигингизга!

С а т и н. Ҳа... ажойиб чол эди! Мана, Настенька ҳам уни яхши кўриб қопти...

Н а с т я. Яхши кўриб қолувдим... яхши кўрдим ҳам! Гапинг тўғри! Кўзи ҳамма нарсага етарди... ҳамма нарсага ақли етарди...

С а т и н (*кулиб*). Аслини олганда... тиши йўқларга юмшоқ нон қандай бўлса, кўп одамларга ҳам... худди шундай эди...

Б а р о н (*кулиб*). Ярага малҳамдай...

К л е ш ч. Ўзи... меҳрибон чол эди... мана сизда... раҳм деган нарса йўқ-да...

С а т и н. Раҳм қилишимдан санга нима фойда бор?

К л е ш ч. Сани... қўлингдан келади... раҳм қилиш эмас... сан бировни хафа қилмасликни ҳам биласан...

Т а т а р и н (*сўрига ўтириб, оғриқ қўлини худди ёш боладай терватади*). Чол тузук одам эди... Законни билар эди! Законни билган одам — бик шаб бўла! закондан ажралиб қолса — хароб бўла!

Б а р о н. Қанақа закон, князь?

Т а т а р и н. Шундақа... Ҳар хил... Биласанми қанақа...

Б а р о н. Хўш!

Т а т а р и н. Одамни хафа қилма — мана закон сенга!

С а т и н. Бунинг отини «Жиноий ва ахлоқ жазолари қонуни» дейдилар...

Б а р о н. Яна — «Халқ судларининг берадиган жазолари устави» ҳам дейишади...

Т а т а р и н. Қуръон деб атала... сизнинг қуръонингиз қонун бўларга тегиш... Кишининг дили — қуръон бўлиши керак... да!

К л е ш ч (*гармонни чалиб кўриб*). Ғит-ғит қияпти бу қурғур... Князь тўғри айтяпти... қонун-қоидаларга... илжилда айтилган гапларга амал қилиш керак...

С а т и н. Қилавер...

Б а р с и. Қилиб кўр...

Т а т а р и н. Муҳаммад пайғамбар қуръон берди-да: «Мана санга — қонун! унда нима дейилган бўлса — шунини қил!» деди: Кейин шундай замон келарки — қонун кифоя қилмас... у замон ўз қонунини... янги қонун берир... ҳар қандай замоннинг ўз қуръони бўлир...

С а т и н. Бўлмаса-чи... замон келдию, «Жазо қонунлари»ни берди... жуда пишиқ қонун... ҳаливери йиртиб тамом қилолмайсан!

Н а с т я (*стакани столга уриб*). Нима ман... нима қилиб бу ерда... сиз билан юрибман! Бошимни олиб кетаман... бирон... дунёнинг бир бурчагига жўнаб кетаман!

Б а р о н. Оёқ яланғач, хоним!

Н а с т я. Қип яланғоч! Тўрт оёқлаб бўлса ҳам кетаман!

Б а р о н. Агар тўрт оёқлаб бўлса, хоним... жуда ажойиб иш бўлади-ку...

Н а с т я. Ҳа, тўрт оёқлаб кетаман! Ишқилиб, афтибашарангни кўрмасам бўлгани... ах, ҳамма нарса жонимга тегиб кетди! Бутун шу кўраётган кунларим... ҳамма одамлар!

С а т и н. Кетар бўлсанг — Актёрни ҳам ўзинг билан бирга олиб кет... У ҳам ўшоқ томонга бормоқчи бўлиб юрибди... бу дунёдан ярим чақирим нарида органонлар учун шифохона бормиш, деган гапдан хабардор бўлиб қолибди...

А к т ё р (*печдан калласини чиқариб*). Ор-га-низмлар, аҳмоқ!

С а т и н. Алкоголь билан заҳарланган органонлар учун...

А к т ё р. Ҳа! У — кетади! Кетаман деди — кетади... мана кўрарсиз!..

Б а р о н. Жаноблар, у, деганлари ким?

А к т ё р. Мен!

Б а р о н. Мен-чи, малика хизматкори... оти нима эди? Драмалар, трагедиялар маликаси... оти нима эди?

А к т ё р. Муза аблаҳ! Малика эмас — муза!

С а т и н. Лахеза.. Гера... Афродита... Атропа... Шайтон ҳам янглишиб қолади! Актёрнинг миясини айтиб кетган... ҳалиги чол бўлди! Биласанми, Барон?

Б а р о н. Чол — аҳмоқ одам...

А к т ё р. Нодонлар! Ёввойилар! Мель-по-ме-па! Дарди йўқ махлуқлар! Кўрарсиз — у бошини олиб кетади. «Ёғ боссин сиз қаро мияларни»... Беранжернинг шеърида! У ўз жойини топиб олади... унда... йўқ... йўқ...

Б а р о н. Ҳеч нима йўқ, сэр.

А к т ё р. Ҳа. Ҳеч нима! «Бу чоҳ... бўлур менга мазор... ўлгимдир, ожиз ва нотавон мен!» Дунёда ўзи нима қилиб юрибсанлар? Нима қиласанлар?

Б а р о н. Сан! Ҳой Кин, ё геней, ё тентак! Юм, оғзингни!

А к т ё р. Бекор айтибсан! Бақира бераман!

Н а с т я (*бошини столдан қўтариб, қўлини силтаб*). Бақиравер! Қулоқ солишмай кўрсинчи!

Б а р о н. Нима маъно, хоним?

С а т и н. Қўйсангчи, буларни, Барон! Қўявер жаҳаннамга!.. Бақириваверсин, бошларини ёраверсин... қўявер! Бунинг маънисини бор!... Чол айтмоқчи, кишига тўсиқ бўлма... ҳамхоналаримизни қутуртириб кетган ўша қари хамиртуруш, ҳа...

К л е ш ч. Уларни қаёққадир имлади-ю... ўзи йўлини айтмай жўнаб қолди...

Б а р о н. Чол — шарлатан...

Н а с т я. Бекор айтибсан! Сан ўзинг шарлатан!

Барон. Жим, хоним!

Клешч. Ҳақиқатни... ёмон кўрарди... чолни айтябман... ҳақиқатга жуда кўп қарши гаплар айттарди... шундай бўлиши ҳам керак! Тўғри-да, ҳақиқат нима қилиб юрибди бунда? Усиз ҳам нафас олишга ҳол қолмади... Ана, князни қара, ишда қўлини мажағлаб олибди-ку... энди қўлини кесиб ташлашга тўғри келади, эшитдингми... мана санга ҳақиқат!

Сатин (*столга мушти билан бир уриб*). Овозингни ўчир! Ҳаммаларинг ҳайвонсанлар! тўпос махлуқлар... чолга тил тегизманглар! (*Сал тинчиб*.) Сан, Барон, ҳаммадан ҳам ёмонсан! .. Ҳеч нарсага ақлинг ҳам етмайди... гапинг ҳам ёлғон! Чол — шарлатан эмас! Ҳақиқат нима ўзи? Инсон боласи — мана ҳақиқат! Буни у тушунарди... сиз-чи — тушунмайсиз! Сизлар... худди гуваладай тўпос одамларсиз... Чолнинг қилган ишларига ақлим етиб турибди... ҳа! У-ку ёлғон гапирарди... лекин, сан, жин ургурларга раҳми келганидан шундай қиларди! Яқин кишиларга раҳми келганидан ёлғон гапирадиганлар кўп... буни ман биламан! Уқиганман! Ёлғон гапирганда ҳам чиройли, илҳом берадиган қилиб, ҳаяжон билан гапиришади!.. Тасалли берадиган, овунтирадиган ёлғон бор... ишчининг қўлини янчиб юборган оғирлиқни ёлғон оққа чиқаради... яна очликдан ўлаётганларни ёмонотлиқ қилади... ман ёлғон нималигини биламан! Дили заифларга... бошқаларнинг қонини сўриб кун кўрувчиларга, бундайларга ёлғон керак... бирига далда бўлади, бошқалар уни ўзига ниқоб қилиб олади... Ўз ихтиёри ўзида бўлганларга... ўз изми қўлида бўлиб, бировникига кўз олайтирмайдиганларгачи — бундайларга ёлғоннинг нима кераги бор? Ёлғон — қуллар билан хўжайинларнинг дини... Ҳақиқат — эркин одамнинг тангриси!

Барон. Боракалло! Қандай чиройли гап! Мен гапларингга қўшиламан... Сан... туппа-тузук одамдай гапираркансан-а!

Сатин. Тузук одамларки... муттаҳамдай гапиришни билганидан кейин, баъзан муттаҳамдан ҳам яхши гап чиқиб қолса нима бўпти? Ҳа... кўп нарсалар эсимдан чиқиб кетган-ку-я, лекин ҳали ҳам унча-мунчага ақлим етади! Чолми? У — ақлли одам!.. Қислота эски ва ифлос тангага қандай кор қилса, чол ҳам манга шундай таъсир қилди... Ушанинг соғлиғига кўтарайлик! Қуй...

Н а с т я бир стакан пиво қуйиб С а т и н г а узатади.

С а т и н (*илжайиб туриб*). Чолнинг асли зотида бор. . . у ҳамма нарсага ўз кўзи билан қарайди. Бир кун ман ундан: «Отахон, одамлар нимага дунёда яшайди?» деб сўраган эдим (*Луканинг овози билан гапиришга ва унинг ҳаракатларини ўхшатишга тиришиб.*) «Одамлар яхши кун учун дунёда яшайди, азизгинам! Масалан, дурадгорлар бор, ҳаммаси қаланғи-қасанғи одам. . . Лекин улардан бир дурадгор туғилади. . . шундай дурадгорки, дунёда бундақа дурадгор асли бўлган эмас,— ҳаммасидан ўтиб тушади, дурадгорлар орасида унга тенги бўлмайди, у бутун жонини шу дурадгорлик ишига бағишлайди-ю. . . шу билан бу ишни дарров йнгирма йил олдинга суриб юборади. . . Бошқалар ҳам, темирчилар ҳам. . . этикдўзлар ҳам, бошқа ишчи одамлар. . . ҳамма деҳқонлар. . . ҳатто — жаноблар ҳам. . . ҳаммаси шундай яхши кун учун яшайди! Ҳар бир одам ўзим учун яшайман деб ўйлайдию, лекин, аслида, яхши кун учун яшайди! Юз йиллардан буён. . . эҳтимол, ундан ҳам кўпроқ,— яхши инсон учун яшаб келишяпти!».

Н а с т я С а т и н нинг юзига тикилиб қараб қолади К л е ш ч хам гармонь тузатишини тўхтатиб, у ҳам гапга қулоқ солади Б а р о н бошини қуйи солиб, секин бармоғи билан уриб ўтиради. Актёр печдан бошини чиқариб секин сўридан столга, пастга тушмоқчи бўлади.

С а т и н. «Ҳамма, азизгинам, ким бўлса, ҳаммаси, яхши кун учун яшайди! Шу сабабдан ҳар қандай одамни ҳурмат қилиш керак. . . ахир, у одам ўзи қандай одам эди, нимага дунёга келди-ю, нима қўлидан келарди, буниси бизга аён эмас-ку. . . балки у бизнинг бахтимизга. . . бизга каттакон наф келтиришга аталиб туғилгандир? . . Фарзанд деганни. . . болаларни жуда ҳам ҳурмат қилиш керак! Бола деганга эркинлик керак! Болаларнинг улғайиб катта бўлишига халақит берманглар. . . Болагиналарни ҳурмат қилинглар!» (*Секин кулади. Пауза.*)

Б а р о н (*ўйлиниб қолиб*). Ҳа-а. . . яхши кун учун дегин? Бу. . . оиламизни эсимга туширди. . . Қадимги хонадонлардан. . . Екатерина замонида қолган. . . дворянлар урушқоқлар! . . Асли зотлари Франциядан. . . хизматда тобора баланд мартабага кўтарилиб келишган. Николай биринчи замонда, бобом, Густав Дебиль. . . жуда катта лавозимда бўлган. . . ўзи бой-бадавлат. . . юзлаб крепостнойлари. . . от-аравалари. . . махсус ошпазлари бўлган экан. . .

Н а с т я. Елғон гап! Бундақа бұлган эмас!

Б а р о н (*сакраб туриб*). Нима-а? Хўш... яна нима?!

Н а с т я. Бұлган эмас!

Б а р о н (*бақириб*). Москвада бир ҳовли! Петербургда бир ҳовли! Карета аравалар... герблик кареталар!

К л е ш ч гармонини кўлига олиб, ўриндан туради, бир чеккага бориб, ўша ердан бу можарога кўз ташлаб туради.

Н а с т я. Бұлган эмас!

Б а р о н. Бас! Айтяпман-ку... ўнлаб хизматкор хизматида бұлган!

Н а с т я (*яна завқ қилиб*). Бұлган эмас!

Б а р о н. Ўлдириб қўяман!

Н а с т я (*қочишни мўлжаллаб туриб*). Кареталар бұлган эмас!

С а т и н. Қўй. Настенька! Жаҳлига тегма...

Б а р о н. Шошма... сан, ҳой пасткаш! Бобом...

Н а с т я. Бобонг ҳам бұлган эмас! Ҳеч ниманг бұлган эмас!

С а т и н хохолаб кулади.

Б а р о н (*азбаройи жаҳли чиққанидан чарчаб, скамьяга ўтиради*). Сатин, сан бу... манжалақига айтсангчи... ҳали сан ҳам куляпсанми? сан-а... сан ҳам — ишонмайсанми? (*Бўғилиб кетганидан мушти билан столни уриб бақиради*.) Ҳаммаси бұлган, сан жин ургурлар!

Н а с т я (*азбаройи хурсандлигидан*). Ҳа, бўкирвордингми! Одамнинг гапига ишонмаса қанақа бўлишини энди билдингми?

К л е ш ч (*стол ёнига қайтиб келиб*). Ман—муштлаш бўладиёв, деб ўйлагандим...

Т а т а р и н. Одамлар ниндий аҳмоқлар! Бик ёмон!

Б а р о н. Мани... калака қилиб бўпсан! Қўлимда далил-исботларим бор, ҳужжатларим, иблисвачча!

С а т и н. Қўй уларингни! Бобонгинг кареталарини ҳам эсингдан чиқар... қадимги кареталарда ҳеч қаёққа боролмайсан...

Б а р о н. Бўлмаса шундай дейишга нима ҳаққи бор!

Н а с т я. Буни қаранг-у! Нима ҳаққим бормиш!..

С а т и н. Кўряпсан-ку— ҳаққи бор. Сандан нима кам ери бор? Гарчи унинг ўтмишда карета билан бобоси тугул, отаси билан онаси ҳам бўлмаган бўлса ҳам...

Б а р о н (*ҳовуридан тушиб*). Сан балосан... ўзингни босиб бемалол гапиришни ҳам биласан... манда, дейман, феъл-атвор деган нарса бўлмаса керак...

С а т и н. Бўлдир. Керак нарса... (Пауза). Настя! Сан касалхонага бориб турибсанми?

Н а с т я. Нимага?

С а т и н. Наташани кўргани?

Н а с т я. Энди эсингга тушибди-да! Аллақачон чиққан... чиққану — дом-дараксиз бўлиб кетган! Ҳеч қаерда йўқ...

С а т и н. Демак, бутунлай чиқиб бўлибди-да...

К л е ш ч. Қизиқ, ким кимга қаттигроқ ханжар ураркин? Васька Василисагами, ё у Васькагами?

Н а с т я. Василиса бир амаллаб сувдан қуруқ чиқиб олади. Жуда доғули хотин. Васькани каторгага жўнатишади...

С а т и н. Муштлашганда одам ўлдирганга фақат турма...

Н а с т я. Эссизгина, каторгага юборишса, яхшироқ бўларди... Ҳаммангларни каторгага юборсайди... ҳаммангларни... худди ахлатдай... бирон ўрага супуриб ташлашсайди!

С а т и н (ҳайрон қолиб). Санга нима бўлди? Жин урдими?

Б а р о н. Юзсизлиги учун... қулоғига бир тушурайки!

Н а с т я. Қани! Қўл тегизиб кўр-чи!

Б а р о н. Тегизиб кўраман ҳам!

С а т и н. Қўйсанг-чи! Тегма... ранжитма одамни! Ҳалиги чол... ҳеч хаёлимдан кетмаяпти! (Хохолаб кулади.) Одам деганнинг кўнглини ранжитма!.. Мани бир марта хафа қилишса борми, бутун умр қолади! Нима қилиш керак? Кечириниш керакми? Йўқ. Ҳеч кимни...

Б а р о н (Настяга). Ман — тенгинг эмаслигимни тушунишинг керак! Сан... маразсан!

Н а с т я. Вой, сан бахти қарони қара-ю! Ахир... қурт олмани сўриб кун кўргандай, ўзинг манинг орқамдан кун кўриб юрибсан-ку!

Эркақлар ҳаммаси барабар хохолаб кулишади.

К л е ш ч. Ҳа... аҳмоқ қиз-а! Олмача анор!

Б а р о н. Нега... жаҳлинг чиқади... жиннивачча-йе!

Н а с т я. Қуляпсизларми? Бекоргишани айтибсиз! Ҳеч ҳам куларлик ҳолингиз йўқ!

А к т ё р (қовоғи солиқ). Бир болагин буларни!

Н а с т я. Қани энди... қўлимдан келсайди! Ман сиз-

ларни (*столдан косани олиб ерга бир уриб*) шундоқ қилардим!

Татарин. Нега идиш синдирасан? Ҳой... беақл!..

Барон (*ўрнидан туриб*). Йўқ, унга ҳозир ман... адабини бериб қўймасам!

Настя (*қочиб кета туриб*). Худо кўтарсин санларни!

Сатин (*унинг кетидан*). Ҳой! Бўлди! Кимга дўқ қиляпсан? Нима бўлди, ахир?

Настя. Бўрилар! Ҳаром ўлгур, сан бўрилар!

Актёр (*ғамгин ҳолда*). Омин!

Татарин. У-у! дажжол хотин,— рус хотин! Юзи қаро... боши очик! Татарка — булай тугул! Татарка — қонун била!

Клешч. Бир адабини бериб қўйиш керак бўлиб қопти...

Барон. Аблаҳ қиз!

Клешч (*гармонини чалиб кўриб*). Тайёр! Хўжайинидан ҳали ҳам дарак йўқ... Йигитчанинг шўри қуряпти...

Сатин. Энди — ичсангчи!

Клешч. Раҳмат! Ухлаш вақти ҳам бўлиб қолди...

Сатин. Бизга ўрганиб боряпсанми?

Клешч (*ичиб, бир бурчакка, сўри ёнига кетади*). Нима ҳам қиларди... ҳамма жойда ҳам одам бор... Аввал — буни кўрмайсан... кейин — қарасанг, ҳаммаси ҳам одам боласи экан... нима бўларди!

Татарин сўрига нимадир ёзиб, чўкка тушиб номоз ўқийди.

Барон (*Сатинга Татаринни кўрсатиб*). Қара!

Сатин. Қўявер! Ўзи яхши йнгит... халақит берма! (*Хохолаб кулади.*) Бугун ман, нима учундир, жуда раҳмдил бўлиб қолдим!..

Барон. Сан ичганинда ҳаминша раҳмдил бўлиб қоласан... ақлинг ҳам ўткир бўлиб қолади...

Сатин. Ичиб маст бўлсам... ҳаммани хуш кўриб қоламан. Ҳа... ибодат қиляптими? Жуда соз-да! Одам деган динлик бўлса ҳам, динсиз бўлса ҳам... унинг иши! Одам деганнинг эрки ўз қўлида... у ҳамма нарсага ўз ихтиёри билан ҳақ тўлайди: динга ҳам, динсизлигига ҳам, севгиси ҳам, ақлига ҳам, ҳаммасига ўзи ҳақ тўлайди, шунинг учун ҳам — ихтиёри ўзида!.. Инсон,— ҳақиқат дегани шу бўлади! Инсон дегани нима?.. Бу сан ҳам мас, ман ҳам мас, булар ҳам мас... йўқ! — бу сан, ман, булар, чол, Наполеон, Муҳаммад пайғамбар... ҳаммаси битта!

(Бармоғи билан ҳавода одам суратини чизиб кўрсатади.) Билдингми? Бу — буюк бир зот! Ҳамма нарсанинг аввали билан охири шунда... Ҳамма гап инсонда, ҳамма нарса — инсонга! Фақат инсон бор, холос, қолган ҳамма нарса — унинг қўли билан, унинг мияси билан вужудга келтирилган! Ин-сон! Бу — ажойиб гап! Бу... шону шараф дегани! Ин-сон-а! Инсонни ҳурмат қилиш керак! Унга раҳм қилиш эмас, раҳм қилиб, уни ерга уриш эмас... ҳурмат қилиш керак! Инсон учун ичайлик, Барон! *(ўрнидан туради.)* Инсонлигингни ҳис қилишингга... нима етсин!.. Манку — арестантман, одам ўлдирганман, муттаҳамманку-я!.. Кўчада юрганимда, одамлар мани муттаҳам деб билишади... четроқдан юриб, қараб-қараб қўйишади... кўпича манга — «Муттаҳам! Шарлатан! Ишла!» дейишади. Ишла эмиш! Нима қиламан ишлаб! Нима, тўқ бўлиш учун ишлайми? *(Хохолаб кулади.)* Ўлиб-қутулиб, тўқ бўлиш пайнга тушганлардан ҳамиша кулардим... Гап бунда эмас. Барон! Гап бунда эмас! Инсон деган юқори туради! Инсон — тўқликдан юқори туради!..

Барон *(бошини чайқаб)*. Сан — мулоҳаза қилиб қолибсан-ку... Бу — жуда яхши гап... юрагинг эриганидан бўлса керак... ман ундай эмасман... ман бундай қилишни билмайман! *(Теварак-итрофига қарайди, кейин секин, эҳтиёт бўлиб.)* Оғайни, ман баъзида қўрқаман... Билдингми? Қўрқоқлик қиламан... қўрқмасам — хўш, у ёғи нима бўлади?

Сатин *(юриб туриб)*. Бўлмаган гап! Одам боласи кимдан қўрқарди?

Барон. Биласанми... эсимни таниганимдан буён... бошим қандайдир чанг бўлиб қолган. Ман ҳеч қачон, ҳеч нимага ақлим етган эмас. Ман... ўзимни қандайдир ноқулай ҳис қиламан... бутун умрим кийим алмаштириш билан ўтган... нимага? Ақлим етмайди! Уқидим, дворянлар институти мундирини кийиб юрдим... хўш, ўқиб нима бўлдим? Эслай олмайман... Уйландим — фрак кийдим, кейин — халат кийдим... ёмон хотинга уйланиб қолдим, нимага? Ақлим етмайди... Бор-йўғимни еб тамом қилдим, — қандайдир кул ранг пиджак билан сап-сарик шим кийиб юрардим... хонавайрон бўлганимни айтмайсанми? Ўзим ҳам билмай қолдим... Қазенная палатада хизмат қилардим... мундир, кокардали фуражка... ғазна пулини еб қўювдим, — устимга маҳбус кийимини кийгизиб қў-

Йишди... кейин мана буни кийиб олдим... кўрдингми.
Ҳаммаси... худди туш кўргандай... а? Қизиқ-а?

С а т и н. Унчамас.. аҳмоқлик деса — тўғрироқ...

Б а р о н. Ҳа... ўзим ҳам аҳмоқлик деб ўйлайман...

Ахир... ман ҳам дунёга бирон нарса учун келган бўлсам керак... лаббай?

С а т и н (*кулиб*). Шундоғ бўлса керак... Одам бола-
си яхши кун учун туғилади! (*Бошини иргатиб қўйиб.*)
Қандоғ... яхши!

Б а р о н. Бу... Настька!.. Қаёққа... югуриб кетдий-
кин? Бориб қарайчи... қаёғда юрганкин? Ҳар ҳолда...
у... (*Кетади. Пауза.*)

А к т ё р. Татарин! (*Пауза.*) Князь!

Т а т а р и н бошини буради.

А к т ё р. Мен учун ҳам... ибодат қилиб қўй...

Т а т а р и н. Нима?

А к т ё р (*секин*). Мен учун... ибодат қилиб қўй!

Т а т а р и н (*жим қолиб*). Ўзинг ибодат қил...

А к т ё р (*шошилиб печдан тушиб, стол ёнига келади,*
қалтироқ қўллари билан ароқ қуюди, ичади, сўнгра югур-
гандай даҳлизга чиқиб кетади). Кетдим!

С а т и н. Ҳой, сикамбр! Қаёққа! (*ҳуштак чалади,*
пахталиқ заифона кофта кийган Медведев билан Бубнов
кириб келишади; иккови ҳам ичкану, лекин кўп эмас. Буб-
новнинг бир қўлида бир тизим тешик кулча, иккинчи қў-
лида — бир неча дона вобла балиқ, қўлтиғида — бир
шиша ароқ, пиджагининг чўнтағида — яна бир ши-
ша.)

М е д в е д е в. Туя. ўзи... эшакка ўхшаб кетади. Фа-
қат қулоғи йўқ демасанг...

Б у б н о в. Қўйсангчи! Сан ўзинг эшакка ўхшаб кета-
сан.

М е д в е д е в. Туянинг ҳеч ҳам қулоғи йўқ... у — бур-
нининг тешиги билан эшитади...

Б у б н о в (*Сатинга*). Дўстим! Сани қидириб кирма-
ган трактиру, қовоқхонам қолмади-я! Шишани ол, ҳамма
қўлим банд!

С а т и н. Тешик кулчаларни столга қўйсанг — бчр қў-
линг бўшайди...

Б у б н о в. Рост айтасан! Ҳа, сан... исёнчи, шошма
сани! Буни, қара, а? Турган битгани ақл-а!

Медведев. Ҳамма муттаҳамлар ақлли одамлар бўлади... буни ўзим ҳам биламан! Ақли бўлмаса, уларнинг кунни ўтмайди. Ўзи яхши одам бўлса, у — аҳмоқ бўлса ҳам яхши бўлади, ёмон бўлсачи — албагга ақлли бўлиши керак. Лекин туя масаласида сан нотўғри гапирдинг... туя — миниб юриладиган ҳайвон... шохлари ҳам йўқ... тишлари ҳам...

Бубнов. Қани улфатлар? Нега ҳеч ким йўқ? Ҳой, чиқинглар... меҳмон қиламан! Бурчакда ким бор?

Сатин. Сан қачон ичкилигингни бас қиласан! Олабўжи!

Бубнов. Манми — яқинда! Бу гал ман, озроқ капитал тўпловдим... Зоб! — қайси гўрда қолди Зоб?

Клешч (*стол ёнига келиб*). У йўқ...

Бубнов. У-у-ррр! Барбос! Бррю, бррю, бррю! Индюк! Вовиллама, вайсама! Ич, ўйна, кул, тумшугинг осилмасин... Ҳаммангни ўзим меҳмон қиламан! Оғайни, яхши кўрган ишим — меҳмон қилиш! Бой бўлсам... ман-чи... текин трактир очиб қўярдим! Худо хақи! Музикаси билан, ашулачилари билан... Келиб, ичардинг, тўйиб овқат ердинг-да, ашула эшитиб, юрагингни чигилини ёзиб олардинг! Камбағалмисан... айда текин трактиримга марҳамат қил! Сатин! манчи... саничи... ҳамма капиталимнинг ярмини олсанг ҳам гинг демасдим! Билдингми!

Сатин. Ундан кўра сан ҳозир ҳаммасини манга чўзиб қўй...

Бубнов. Ҳамма капиталимними? Ҳозир-ми? Ма! Мана — бир сўм... мана яна йигирма тийин... бир мириликлар... ҳаммаси шу!

Сатин. Жуда соз! Менда бутроқ туради... Бир ўйнай бу пулларингга...

Медведев. Ман, гувоҳ... пуллари омонат бериб қўйди... жами — қанча?

Бубнов. Санми? Сан — туя... бизга гувоҳнинг кераги йўқ...

Алешка (*яланг оёқ кириб келади*). Оғайнилар! Оёғим ҳўл кетди!

Бубнов. Кел бу ёққа, томоғингни ҳўллаб ол... Вассалом! Жиянгинам... ашула ҳам айтасан, гармонь ҳам чаласан... жуда яхшику-я! Лекин, ичиб — чакки қиласан! Оғайни, ичиш зарар... ичиш — кони зарар!..

Алешка. Сандан қиёс қилса бўлади! Ичсанг туппа-

тузук одам бўласан... Клешч! Гармошкани тузатиб қўй-
дингми? (*Уйинга тушиб, ашула айтади.*)

Оҳ, бу афти-башарам
Чиройли бўлмасайди —
Отахоним мани асло
Ҳечам яхши кўрмасди!

Оғайнилар, совуққотдим! Музлаб кетяпман!

Медведев. Хўш... агар, бу отахон дегани ўзи ким
бўлди, деб сўралсачи?

Бубнов. Қўйсанг-чи! Сан, биродар, энди — тю-тю!
Сан энди бутошник эмассан... тамом! Бутошник эмас-
сан... тамом! Бутошник ҳам эмассан, тоға ҳам эмассан...

Алёшка. Сан — шунчаки аммамни эрисан!

Бубнов. Бир жиянинг — турмада, яна бири — жон
беряпти...

Медведев (*гердайиб*). Бекор айтибсан! Жон
беряпгани йўқ, у — доми-дараксиз бўлиб кетган!

Сатин хохлаб кулади.

Бубнов. Барибир, биродар! Кишининг жияни бўл-
магандан кейин тоғаликдан тушади!

Алёшка. Жаноби олийлар! Хизматдан бўшаган эч-
ки ноғорачи!

Отахоннинг пуллари бор,
Менда йўқдир сариқ чақа!
Лекин мен — хушвақт йигит,
Лекин мен — яхши йигит!

Совуққотдим!

Зоб кириб келади, кетидан — парданинг охиригача — яна бир неча
эркак, хотинлар кириб келишади. Улар ечинишиб, сўрига чиқиб, ни-
маларнидир вайсаб юришади.

Кривой Зоб. Бубнов! Нимага қочиб кетдинг?

Бубнов. Бу ёққа кел! Утир... биродар! Ман яхши
кўрадиган ашулани бир айтайлик, а?

Татарин. Кеч бўлди — ётишга кирак! Ашула деган
кундузи бўла!

Сатин. Ҳа, майли, князь! Ўзинг бу ёққа кел!

Татарин. Майли деганинг нимаси? Шовқин бўла...
ашула айтгач... шовқин бўла...

Бубнов (*унинг ёнига бора туриб*). Князь! Қўлинг
нима бўлди? Қўлингни кесиб ташлашдимми?

Татарин. Нимага! Кутарбиз... кесиб ташлаш керакмийдур... Қўл темирданмас, кесиб ташлаш қийинмас...

Кривой Зоб. Ишинг ёмон, Асанка! Қўлсиз ишинг чатоқ! Сан билан мани, биродар, қўлимизга, яғиримизга қараб баҳо беришади... Қўлинг бўлмагандан кейин — ўзинг ҳам одамликдан чиқасан! Ишинг хуржин!.. Кел, ароқ ич... у ёғини қўявер!

Квашня (кириб келади). Уҳ, азиз ҳамҳужраларим! Эшикка қарасанглар-чи, эшикка! Шундай ҳам совуқки... ҳамма ёғ намгарчилик... Бутошнингим қаёқда? Бутары!

Медведев. Лаббай!

Квашня. Тағин кофточкамни елқангга илиб олдингми? Ўзинг ҳам... бир оз анундақа кўринаданми дейман, а? Хўш, бу нима қилиқ?

Медведев. Бубнов... туғилган куни экан... ўзим ҳам совуқ еб турувдим, захлаб кетдим!..

Квашня. Сан оёғингни қараб бос... захлаб кетгур! Бу ҳунарингни бас қил... Қани, кириб ёт...

Медведев (ошхонага кириб кетади). Ухлашдан қочармидим... ўзим ҳам уйқум келиб турганди... хўб бўлади!

Сатин. Сан нима... мунча қаттиқ ушламасанг?

Квашня. Яхши йигит, шундай қилмасанг бўлмайди-да. Бундақанги эркакка қаттиқ қўл бўлмасанг бўлмайди. Мана уни ўзимга ҳамҳужра қилиб олган эдим,— фойдаси тегиб қолар, ўзи ҳарбий одам деб ўйлагандим... сизлар бебош одамларсиз... ман бўлсам ожиз бир хотин бўлсам... ичкилиги нимаси! Ундақа бўлса — бошимга ураманми?!

Сатин. Ердамчи танлашда янглишибсан...

Квашня. Яхшисини қаёғдан олай... Сани ман билан тургинг келмайди... кеккайиб юришингни қарамайсанми! Турсанг ҳам бир ҳафтадан нарига бормаисан... Ичак-чавоғларимни ҳам қўшиб туриб қартага бой берасан!

Сатин (хохолаб кулади). Гапинг тўғри, хозяйка. Қиморга тикиб юбораман...

Квашня. Ҳой, сан! Алёшка!

Алёшка. Мана ман! Лаббай!

Квашня. Сан, нима деб ман тўғримда алжираб юрибсан?

Алёшка. Манми? Ҳаммаси бор гапни айтиб юриб-

ман! Ҳамма гапим рост! Хотин деган, дедим, шунақа бўлса! Ажойиб хотин! Еғи, гўшти, суягини ҳам қўшиб туриб —ўн пут, мияси — бир мисқол ҳам келмайди, дедим.

К в а ш н я. Бекоргинани айтибсан! Миям йўқ эмас, жуда бор-да... Йўқ, сан нега мани, бутошнигини тутиб уради, деб гапириб юрибсан?

А л ё ш к а. Сан чочидан ушлаб судраб юрганинга урибсан деб ўйлабман...

К в а ш н я (кулиб). Аҳмоқ! Сан, худди кўрмагандай бўласан-а. Уйдаги галвани кўчага олиб чиқишнинг нима кераги бор? .. Барибир, яна унинг кўнгли оғрийди... сани гапларингдан, энди ичадиган бўлиб қолибди...

А л ё ш к а. Товуқ ҳам ичади, деб тўғри айтишар экан-да!

С а т и н билан К л е ш ч хохолаб кулишади. .

К в а ш н я. Ҳу сан майнавозни! Алёшка, сан ўзинг қандақа одамсан?

А л ё ш к а. Энг биринчи сорт одамман! Қўлимдан ҳар нарса келади. Кўзим тушиб қолган томонга қараб ўзим ҳам оғиб боравераман!

Б у б н о в (Татариннинг сўриси олдида). Юр! Барис бир ухлатмаймиз! Кечаси билан... ашула айтиб чиқамиз! Зоб!

К р и в о й З о б. Ашулами? Хўб бўлади...

А л ё ш к а. Ман қўшилиб гармонь чаламан!

С а т и н. Эшитайлик-чи!

Т а т а р и н (илжайиб). Ҳа, Бубна, шайтонсан-да... келтир винонгни! Ичабиз уйнибиз, ажал келса — ўлирбиз!

Б у б н о в. Сатин, қуй унга! Зоб, ўтир! Э, биродарлар! Одам боласига кўп нарса керак дейсизми? Мана ман ичиб олдим — кайфим тароқ! Зоб! .. ман яхши кўради-ганимни... ол! Бир ашула айтиб... йиғлаб олай! ..

К р и в о й З о б (ашула бошлайди).

Қуёш чиқур, қуёш ботур... ..

Б у б н о в (у ҳам қўшилиб).

Лекин турмам зим-зиё... ..

Эшик тез тарс этиб очилади.

Б а р о н (эшик тагида туриб бақиради). Ҳой... бу ёққа қаранглар! бу ёққа келинглар! Апу... майдонда... Актёр... ўзини ўзи бўғибди!

Жимлик чўкади. Ҳамма Баронга қарайди. Унинг орқасидан
Настянинг кириб келгани кўринади, секин-секин юриб, кўз-
ларини катта очиб, стол ёнига келади.

С а т и н (секин овоз билан). Эҳ... қўшиқнинг ҳам
белига тепди... аҳ-моқ!

п а р д а

1903